Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1926 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. № 29 (7770). ● 11 февраль, 1982 йил ◆ ПАЙШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

СССР нинг 60 йиллигига 60 зарбдор ҳафта!

ЯНГИЙЎЛЛИКЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Янгийўл шаҳар саноат корхоналарида СССР ташкил этилганининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақа кун сайин авж олмоқда. Барча ишлаб чиқариш коллективлари шу улуғ сана муносабати билан бошланган зарбдор ҳафталикларда фаол қатнашмоқдалар. Ҳар бир ҳафталикнинг унумли ва сифатли меҳнат билан нишонланишига ҳаракат қилишяпти.

Шунинг учун ҳам саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш планлари муваффақиятли бажарилмоқда. Айниқса, корхоналарда ишлаб чиқариш илғорларининг намунаси яхши натижа бермоқда. Улар улуғ сана шарафига зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини қайта кўриб чиқмоқдалар ва янги оширилган марраларни белгиламоқдалар.

Шаҳар саноат корхоналари ўртасидаги мусобақада карвонбошилик қилаётган «Лаззат» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўртасида бу ҳаракат тобора кенгаймоқда. Корхананинг Сабри Абибуллаев раҳбарлик қилаётган бригадаси биринчи бўлиб зиммасига оширилган мажбурият олди. Бригада аъзолари СССР юбилейини пландагидан ташқари 3 минг килограмм маҳсулот тайёрлаш билан нишонлашга аҳд қилди. Бу ваъда шараф билан бажарилмоқда. Коллектив ҳар сменада топшириқдагидан ташқари 20—30 килограммдан турли-туман ширинликлар ишлаб чиқармоқда.

Мебель фабрикасининг А. Қорабоев бошчилик қилаётган цех коллективи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 65 йиллигини икки йиллик топшириқни бажариш билан нишонлаш учун курашмоқда. Пойабзал фабрикасининг Ш. Аминова раҳбарлик қилаётган бригадаси аъзолари эса ана шу санагача уч йиллик планни уддалашга аҳд қилиб ишламоқда.

Шаҳар бўйича 136 цех, 70 га яқин участка, 415 бригада ва 10 мингдан ортиқ ишчи-хизматчи юксак мажбуриятлар олиб ишламоқдалар.

О. ИСРОИЛОВА.

УСТОЗ ВА ШОГИРД

ИСМОИЛ Абжалиев ўттиз тўрт йилдан буён «Узбекхиммаш» заводида меҳнат қилиб келяпти. Бу пешқадам токарь мураббий сифатида ҳам ҳурмат қозонган. Суратда: И. Абжалиев янги шогирди Эржон Салимов билан.

В. Сироткин фотоси.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● ЧИНОЗ. Карл Маркс номли колхоз деҳқонлари СССР ташкил этилган кунининг 60 йиллиги шарафига ҳар қачонгидан ҳам зарбдорчасига меҳнат қилишмоқда. Хўжалик пахтакорлари бу йил мавжуд 775 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан жами 3100 тонна «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олишди.

Колхоз пахтакорлари айни кунларда юксак мажбуриятдагига яраша ҳосил тўплаш учун мустаҳкам замин ҳозирлашмоқда. Далаларга маҳаллий ўғит ташиб чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш, машина ва механизмларни ремонт қилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

А. РАҲИМОВ.

* * *

● БЕКОБОД. КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларига амалий иш билан жавоб бераётган «Октябрь 46 йиллиги» совхози шоликорлари бу йил ҳар гектар ердан 70 центнердан «қирмизи дон» олиш учун курашмоқдалар. Ерларни экишга тайёрлаш, озиқлантириш ишлари жадал суръатда олиб борилмоқда.

Хўжаликнинг Андрей Ли бошчилик қилаётган бригадаси аъзолари кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказишда барчага намуна кўрсатмоқда. Пешқадам бригада аъзолари 1962 йилда ҳар гектар ердан 95 центнердан шоли ҳосили топширадилар.

Ф. ЗИЕДУЛЛАЕВ.

* * *

● ТОШКЕНТ. Сара кўчат — мўл ҳосил гарови деб бежиз айтишмайди. «Ленинград» совхози сабзаводчилари буни жуда яхши биладилар. Шунинг учун ҳам хўжаликда эртаги сабзавот кўчатларини етиштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Махсус қурилган сигил типдаги теплицада шу кунларда кўчатлар парваришн қизғин олиб борилмоқда. Ҳозиргача 10 миллион туп эртаги карам кўчати расад қилиб қўйилди. Шунингдек, помидор уруғлари ҳам тўла униб чиқди.

Т. ДУСОНОВ.

* * *

● ЯНГИЙЎЛ. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1982 йилда кўкламги дала ишларига ҳозирлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги қарори «Коммунизм» колхози деҳқонларининг ғайратини янада ўқ урдириб юборди. Хўжаликда кузги-қишки тадбирлар комплексини ўтказиш ниҳоясига етказилмоқда. Майдонларни экишга тайёрлаш, ариқ-зовурларни тозалаш, маҳаллий ўғит жамғариш, мавжуд машина ва механизмларни ремонт қилиш каби тадбирлар муваффақиятли якунланди.

М. ОТАКИШЕВ.

* * *

● БЎКА. Раҳмонқул Тожибоев «Партия XX съезди» колхозининг моҳир механизаторларидан бири. У ўттиз йилдирки, шу касбни эзъозлаб келмоқда. Хўжаликдаги деярли барча механизаторлар унинг шогирдлари. Устоз ва шогирдлар шу кунларда янги ҳосилга мустаҳкам замин яратиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Ҳ. АСРОҚУЛОВ.

* * *

Шунингдек, қишлоқ мутахассисларидан ўрта чирчиқлик Б. Эсонқулов, Калинин районидан Н. Қосимов, тошкентлик Т. Мамадиёров, ғалабалик Н. Бобоқулов ва А. Абдусатторовларнинг редакциямизга йўллаган хатларида ҳам деҳқонларнинг шу кунларидаги ишлари ҳақида ҳикоя қилинади.

САБЗАВОТ, МЕВА МЎЛ БЎЛСИН

ҚАҲРАМОНОНА меҳнат қилиб, элни, она-Ватанни янги-янги меҳнат ғалабалари билан хушнуд этаётган қишлоқ хўжалигимизнинг мардимайдон меҳнаткашлари сафида сабзаводчилар, боғчилар, боғбонлар ҳам дадил қадамлар билан олға бормоқдалар. Улар партия ва ҳукуматимизнинг эл маъмурчилигини таъминлаш ҳақидаги кўрсатмалари, КПСС XXVI съезди белгилаган озиқ-овқат программасини амалга ошириш учун курашиб, бу мақсад йўлида ишлаб чиқаришга илғор фан ютуқлари ва тажрибаларни жорий этиб, йил сайин аҳолига кўплаб сифатли ноз-неъмат етказиб бермоқдалар. Пешқадам район ва хўжаликлар, миришкор ва ташаббускор сабзаводчилар ҳар гектар ердан 300—400 центнердан сабзавот, 200 центнердан картошка, 180—200 центнердан узум ва кўплаб мева ҳосили олмоқдалар. Аҳолини йил бўйи янги узиб олинган сабзавот, мева-чева билан таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Бу жиҳатдан кейинги йилларда Тошкент ва Калинин районлари, мазкур районлардаги «Қорасув», «Хасково», «Партия XXI съезди» совхозлари, Калинин номли, «Ленин йўли», колхозлари, Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхози, «Қибрай» совхоз-заводи, Ғалаба районидаги «Огонёк» совхоз-заводида олиб борилаётган ишлар, айниқса, қувончли натижалар бермоқда. Масалан, Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхозида ўтган йили ҳар бир квадрат метр теплица майдонидан 22 килограммдан ошириб сабзавот олинди.

Республика партия ва ҳукуматининг картошкачиликни ривожлантириш тўғрисидаги қарори асосида катта ташкилотчилик агротехник тадбирлар амалга оширилди. Оқибатда экин майдонларн кенгайди, ҳосилдорлик ва ялпи маҳсулот ортди. Илғор хўжаликлар бу экинни йирик-йирик карталарда ўстириб, механизациядан ва бошқа омиллардан кенг фойдаланаётганликлари туфайли юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Ўзлари учун етарли миқдорда уруғлик ҳам жамғариб қўймоқдалар. Сабзаводчилик, боғдорчилик, картошкачилик ва мевачиликда машина ҳамда механизмлардан ўринли ва унумли фойдалана билиш — бу соҳаларда самарадорликка эришиш, мўл, сифатли, арзон маҳсулот етиштириш истиқболларини очиб бераётир.

Ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида сабзаводчилар, соҳибкорлар ва боғбонларимиз олдида ҳам янги ва юксак вазифалар турипти. Бу вазифаларни бажаришнинг бош йўли — ҳар бир хўжаликда ихтисослаштириш чуқурлаштириш асосида ҳосилдорликни кескин оширишдан иборатдир. Ҳали бу борада бизда жуда катта резервлар, фойдаланилмаётган имкониятлар мавжуддир. Ўтган йил якунлари шуни кўрсатмоқдаки, айрим районлар ва хўжаликлар бу имкониятлардан қониқарсиз фойдаланмоқдалар. Улар шароитлари, имкониятлари бир хил бўла туриб, қўшни хўжаликларга қараганда паст ҳосил олмоқдалар. Агротехника тадбирларини амалга оширишда жиддий нуқсонларга йўл қўймоқдалар.

Янги ва мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратилиши лозим бўлган айни кунларда ҳар бир район ва ҳар бир хўжалик бўйича ўтган йил натижаларини чуқур таҳлил этиш, ютуқларни қайд қилиш билан бирга камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаб, уларни бартараф этиш йўлларини белгилаш ва шу асосда янги режалар тузиб олиш муҳим вазифасидир.

Эртаги, мўл ва сифатли пахта етиштиришнинг Тошкент технологияси деб ном олган илғор усули деҳқонларимизга катта обрў келтирмоқда. Нега, бу технологияни сабзаводчилик, боғдорчилик ва узумчиликда жорий этиш мумкин эмас. Агар шундай қилинганида эди ҳар бир хўжаликда ҳосилдорликни 30 ҳатто 40 процент ошириш мумкин бўлур эди.

Бунинг учун ихтисослаштириш соҳасидаги ишларни тинмай такомиллаштириш, бу соҳадаги тажрибаларни кенг оммалаштириш талаб этилади. Ҳозир айрим бригадаларда қилинаётганидек, бир майдонга 8—10 хил эмас, кўпи билан 2—3 хил экин экиш мақсадга мувофиқдир.

Экин ер танлайди. Масалан, картошкани олиб кўрайлик. У бир жойда яхши ҳосил берса, иккинчи ерни ҳоҳламайди. Деҳқон ана шуни ҳисобга олиши, картошкани тўғри келган ерга экиларишига йўл қўймаслиги лозим. Бу экиннинг фақатгина у яхши ўсиб, мўл ҳосил берадиган ерларга экиш шарт!

Пахтакорларимиз ҳосил кўчатдан олинади, дейдилар. Шунинг учун ҳам улар ҳар туп кўчатни эъзозлайдилар. Гектарларнинг тўлиқ бўлиши учун курашадилар. Сабзаводчиликда ҳам бу тажрибани қўлланиш керак. Ҳар гектар ерда неча минг туп карам, помидор кўчати экиш фойдали бўлишини ҳисоб-китоб қилиб ана шу асосда иш юритиш зарур. Бунинг учун эса ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланиш, ерларнинг пўстдумбага чиқиб кетишига йўл қўймаслик лозим. Афсуски, айрим хўжаликларда бу соҳада жиддий нуқсонлар мавжуд. Бир картада 10—15 та йўл бўлиши шарт эмас. Ортиқча йўллар, уватларни текислаб, экин майдонларига қўшиб юбориш лозим. Суғориладиган майдонларнинг умрини бекор ўтишига, талон-тарож қилинишига асло йўл қўймайлик. Бир майдондан иккн-уч марта ҳосил олиш имкониятларини тўла ишга солиш, янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига экин майдонларини кенгайтириш лозим.

Ҳозир сабзаводчилик, боғдорчилик ва узумчиликда долзарб кунлар бошланди. Зиммага олинган юксак мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган миқдорда ҳосил етиштириш учун боғ ва токзорларда қишки юмушларни ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш, теплицаларда эрта баҳорда очиқ майдонларга чиқариб экиш учун сара кўчат тайёрлашга эришиш, уруғликларнинг қандай сақланаётганлиги устида назорат ўрнатиш ғоят муҳим вазифадир.

ЭРИШИЛГАН МУВАФФАҚИЯТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАБ КЎПАЙТИРАЙЛИК, ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ БОРАВЕРАЙЛИК

БУХОРО ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИДАН

БУХОРО, 9 февраль. (ЎзТАГ). Бухоро областининг хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни муттасил ошириш учун катта имкониятларга эга. Кўпгина колхозлар ва совхозларда пахта, дондан мўл ҳосил етиштирилмоқда, чорва ва паррандалар кўпайтирилмоқда, тобора кўпроқ гўшт ва сут етиштирилмоқда, жун қирқиб олиш, қоракўл тайёрлаш ортиб бормоқда. Ўтган йили Бухоро деҳқонлари рекорд «оқ олтин» ҳосили билан Ватанни қувонтирдилар. Давлатга 660 минг тоннадан кўпроқ пахта сотилди. Бу эса ўнинчи беш йиллик мобайнидагига қараганда ўрта ҳисобда салкам юз минг тонна ортиқдир. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев область пахтакорларини, барча меҳнаткашларини муваффақият билан сидқидилдан қутлади. Л. И. Брежнев ўзининг табрикномасида Бухорининг қишлоқ меҳнаткашлари илм-фан ютуқларига таяниб мавжуд резервлардан фойдаланиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни бундан бўён ҳам ошириб бораверадилар, деб ишонч билдирди.

Қишлоқ хўжалиги бошқа тармоқларининг меҳнаткашлари беш йиллик бошланишини фидокорона иш билан нишонладилар. Чорвачиликда ҳам ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда.

Область партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида қишлоқ хўжалигининг ана шу ва бошқа тармоқларини янада юксалтириш йўллари кўриб чиқилди. «КПСС XXVI съезди қарорлари ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари асосида республикада чорвачиликни ривожлантиришни жадаллаштириш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон КП Марказий Комитети IV пленумининг қарори» юзасидан область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримовнинг доклади тингланди ва муҳокама қилинди.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан Томди район партия комитетининг биринчи секретари А. Исаев, Конимех район партия комитетининг биринчи секретари А. С. Петросян, Бухоро районидаги «Маданият» колхозининг раиси Т. Элназаров, Ғиждувон районидаги «Коммунизм» колхозининг сут соғувчиси Ш. Муқимова, Қизилтепа районидаги «Ленинград» колхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи М. Шарипова, Когон шаҳар савдо бошқармаси партия бюросининг секретари Т. Ф. Иванчина, «КПСС XXVI съезди» маккажўхорикорлик совхозининг директори М. Барноева, Шофиркон сил касалликлари санаторийсининг бош врачи Ҳ. Камолов, «Госкомсельхозтехника»га қарашли Чорбакир бош механизациялаштирилган кўчма колонна бошлиғи О. Муродов, Свердлов районидаги Свердлов номли колхоз партия комитетининг секретари Т. Эрдонова, область қоракўлчилик совхозлари трестининг директори У. Манатов, қишлоқ хўжалигини, хусусан чорвачиликни муттасил юксалтириш учун барча резервларни ишга туширишнинг муҳимлигини таъкидладилар. Пахтачиликни ҳам, чорвачиликни ҳам муваффақиятли ривожлантираётган, сугориладиган ерлардан ва табиий яйловлардан моҳирлик ва омилкорлик билан фойдаланаётган, фан ва техника ютуқларини, дала ва фермалар энг яхши меҳнатчиларининг илғор тажрибасини ишлаб чиқаришга кенг жорий этаётган колхоз ва совхозлар намуна қилиб кўрсатилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги муваффақиятлар, — деб таъкидлашди нотиқлар, — партиянинг аграр сиёсати изчиллик билан амалга оширилаётганлиги, колхозчилар, совхоз ишчилари, барча меҳнаткашларнинг илҳомбахш меҳнати натижаси, партия ташкилотлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, касаба союзлари ва комсомолнинг катта ташкилотчилик ҳамда сиёсий ишлари якунидир.

Эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаб ва кўпайтириб, янги марралар сари бораверишнинг асосий вазифадир. Пленум қатнашчилари бажарилган ишларнинг якунларини ана шу позицияларда туриб қараб чиқиб, қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IV пленуми белгилаган вазифаларни бажаришда жиддий камчиликлар борлигини қайд этиб ўтдилар.

Бир қанча хўжаликлар ва районлар гўшт сотиш планларини таъминлаш бирёқда турсин, ҳатто аввалги йилга нисбатан гўшт етиштиришни пасайтириб ҳам юбордилар. Озғин моллар сўйилаётганлиги сабабли кўп маҳсулот нобуд бўлмоқда. Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ҳам ҳали юқори даражада эмас. Областда чорвачилик етарлича интенсив ривожланаётганлиги йўқ. Ҳар бир колхоз ва совхозда мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтириш, экин майдонлари структурасини яхшилаш озуқа экинлар ҳосилдорлигини ошириш комплекс тадбирларини рўёбга чиқариш учун ҳамма иш қилинган деб бўлмайди.

Ўтган йили Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1982—1985 йилларда Бухоро областида чорвачиликни жадал ривожлантириш тадбирларини маъқуллаган эди. Шу йилнинг ўзидаёқ кўп ишлари бажариш: 40 минг тонна гўшт, 80 минг тонна сут, 150 миллион дона тухум етиштирилишини таъминлаш, чорва ва паррандаларни кўпайтириш уларнинг маҳсулдорлигини ошириш керак бўлади. Бу марраларни эгаллаш осон эмаслигини нотиқлар қайд этиб ўтишди. Энг кўп даражада сабот-матонат ва ташаббускорлик кўрсатиш, барча резервлар ва имкониятлардан фойдаланиш лозим.

Озуқа экинлари майдонини кенгайтиришга ва уларнинг ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор бериш, гектар бошига 200—250 центнердан беда пичани, 100 центнердан маккажўхори дони, 40—45 центнердан бошоқли дон экинлари ҳосили, 450 центнердан силосбоп маҳсулот олиш зарур. Чорвачилик объектлари қурилишига ва уларни реконструкция қилишга ажратиладиган капитал маблағлардан самарали фойдаланиш керак. Корхоналарда, савдо системасида ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиш, аҳоли чорва ва паррандаларни парвариш қилиши — чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим резервидир.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади. У қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш соҳасида область партия ташкилотларининг вазифаларига тўхталиб ўтди. Бу вазифалар КПСС XXVI съездида, КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумида белгилаб берилган, ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида улар ҳақида аниқ ва равшан айтилган. План ва технология интизомини мустаҳкамлаш, ташкилотчилик ва сиёсий ишларни такомиллаштириш — белгиланган вазифалар муваффақиятли ҳал этилишининг гаровидир. Ерсув, моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан анча самарали фойдаланилган тақдирда муваффақиятлар таъминланиши мумкин. Чорва қишловини уюшқоқлик билан тугаллаш, экин-тикин ишларига яхши тайёргарлик кўриш зарур. Партия комитетлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча соҳаларида кадрлар тўғри жойлаштирилишини таъминлашлари лозим. Пленум қабул қилган қарорда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш, Бухоро меҳнаткашларининг озиқ-овқат программасини ҳал этишга қўшадиган ҳиссасини ошириш тадбирлари кўзда тутилган. Область меҳнаткашлари беш йилликнинг иккинчи йилида камида 700 минг тонна пахта етиштириб, йиғиб-териб оладилар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг барча турларини етиштиришни анча кўпайтирадилар, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишни таъминлайдилар, деб қатъий ишонч билдирилади.

(ЎзТАГ).

ГРАФИКДАН ЎЗИБ

«Висотстрой» 11-трестига қарашли 17-қурилиш бошқармасида В. С. Павленко бошлиқ бригада ишлаб чиқариш графигидан бир ярим ой ўзиб меҳнат қилмоқда. Бу илғор коллектив топшириқларни муддатидан илгари бажариб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти учун янги газета корпусини тез суръатлар билан барпо этмоқда.

Бригада бир неча объектда қурилиш ишларини олиб бормоқда. 26 кишининг ярми бош почтамт биносини ва транспорт барча турлари учун марказий диспетчерлик хизмати биносини қурмоқда. Бинокорлар СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига зарбдор вахтага туриб бу объектларда ҳам топшириқларни илдам бажармоқдалар. Пайвандчилардан Владимир Безделиго, Сергей Нехорошев, дурадгор Станислав Манякин, ғишт терувчи Собир Ориповнинг мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар.

(ЎзТАГ).

ИЛҒОР ЧОРВАДОРЛАР МУРОЖААТИГА ЖАВОБАН

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

ЧОРВАДОРЛАРИМИЗ СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Биз ҳар йили ҳам қишловга пухта тайёргарлик кўрамиз. Ҳар бир отарга камида бир ярим йилга етадиган миқдорда ем-хашак келтириб қўйилган. Шу туфайли ҳам қўйлар қишдан семиз чиқмоқда.

Яқинда матбуотда республикамиз илғор чорвачилик ходимларининг Мурожаати эълон қилинди. Бу даъват совхозимиз чўпон-чўлиқларини янада унумли меҳнат қилишга ундамоқда.

Шу кунларда биз учун янада масъулиятли дамлар, қўзилатиш мавсуми бошланди. Мен ўзимга бириктирилган совлиқларнинг ҳар юз бошидан 115 тадан қўзи олиш мажбуриятини қабул қилганман. Шунингдек, ҳар бир қўйдан 3,5 килограммдан жун қирқиб оламан. Бу менинг она-Ватанимиз юбилейига муносиб совғам бўлади.

М. МАВЛОНОВ,
Охангарон районидаги Собир Раҳимов номли совхоз бош чўпони.

МАШИНАСОЗЛАР ТАВСИЯЛАРИ АСОСИДА

«Ташсельмаш» заводининг ўн бешта цехида корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника ҳавфсизлигини ташкил этиш юзасидан социологик тадқиқотлар ўтказилди. Анкета савол-жавобида машинасозлардан олти юз киши қатнашди. Улар ишлаб чиқаришдаги шовқинни тугатишга, иш ўринлари ёритилишини яхшилашга қаратилган юздан ортиқ таклиф киритдилар.

(ЎзТАГ).

МАҲСУЛДОРЛИК ОРТАДИ

ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Марказий Комитети республикамиз етти илғор чорвадорининг барча чорвачилик ходимларига қарата Мурожаатини маъқуллади. Бу илғорларнинг ташаббуси гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг янги-янги резервлари мавжудлигини кўрсатиб турипти. Мурожаат барча қаторли бизнинг совхозимиз чорвадорларини ҳам янги меҳнат зафарлари сари илҳомлантириб юборди. Ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилини ҳам зарбдор меҳнат йилига айлантираётган фермамиз ходимлари зиммаларига янги, қўшимча мажбуриятлар қабул қилмоқдалар.

Мен бир неча йилдирки, сут-товар фермасида меҳнат қилиб келяпман. 32 бош сигирни парвариш қиламан. Сут соғиш юзасидан белгиланган план ва мажбуриятларимни ҳар йили ортиқ билан бажармоқдаман. Айниқса, 1981 йил мен учун қувончли бўлди. Қарамоғимдаги ҳар бир соғин сигирдан 5600 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олдим. Партия ва ҳукуматимиз меҳнатларимни юксак баҳолаб, «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотлади.

Бу ишонч мени янги ғалабалар сари руҳлантириб юборди. 1982 йилда ҳар бир говмушдан 5700 килограммдан сут соғиб олиш мажбуриятини қабул қилдим. Зиммамдаги топшириқни шараф билан бажариш учун курашни қизитиб юборганман. Ҳозирги қиш даврида ҳам сигирларни тўйимли рацион асосида боқаётганлигим туфайли кунига 13—14 килограммдан ошириб сут соғиб олмоқдаман.

Мурожаатномада чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун барча имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш зарурлиги алоҳида уқтирилган. Совхозимиз чорвадорлари ҳам ички резервларимизни тўлароқ ишга солиб эл дастурхонига янада мўл-кўл чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш йўлида фидокорона меҳнат қиларадилар.

Б. ХОЛИҚУЛОВА,
«Чиноз» наслчилик совхоз-техникумининг сут соғувчиси.

МАҲБУБА Сафарова Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхозининг илғор сут соғувчиларидан биридир. У йилдан-йилга ўзига бириктирилган соғин сигирлардан мўл ва сифатли сут соғиб олмоқда. Ўн биринчи беш йиллигининг дастлабки йилида 16 бош говмушнинг ҳар биридан 4 минг килограммдан сут соғиб олди. Унинг 1982 йилдаги натижалари бундан ҳам юксак.

П. Эргашев фото.

КАДРЛАРНИНГ ҚИШКИ ЎҚУВИ

12 ФЕВРАЛДА Ғалаба районидаги «Огонёк» совхозида раҳбар кадрлар ўқувининг навбатдаги машғулоти бўлади. Машғулотда КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети ноябрь (1981 йил) Пленуми қарорлари асосида сабзаводчилик, картошкачилик, боғдорчилик ва узумчиликни интенсивлаш, ихтисослаштиришни кучайтириш соҳасида область партия ташкилотлари, совет, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз, совхозларнинг олдида турган вазифалар муҳокама этилади.

САЛОМАТЛИК—ТУМАН БОЙЛИК

ОБЛАСТЬ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУАССАСАЛАРИ ВА ДОРИХОНАЛАР ХОДИМЛАРИ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДАН

ЎН БИРИНЧИ беш йилликнинг биринчи йилда аҳоли соғлиғини сақлаш эҳтиёжларига 1980 йилдагидан 3 миллион сўм кўп яъни 74 миллион сўм сарфланди. Бир смена давомида 1050 кишини қабул қила оладиган 3 поликлиника, 12 та қишлоқ амбулатораяси фойдаланишга топширилди. Область шифохоналарида койкалар сони 19600 тага етди. Шаҳар ва қишлоқ поликлиникаларида замонавий медтехника билан жиҳозланган кабинетлар сони кўпайди. Уларга малакали врачлар жалб этилди...

Ўтган куни область соғлиқни сақлаш муассасалари ва дорихоналар ходимлари активи йиғилишида 1981 йил якуни ва бу йилги режалар юзасидан доклад қилган область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири **Б. Тошбеков** ана шу фактларни тилга олди.

— Шуниси қувончлики,— деди докладчи,— қатор саноат корхоналари, колхозлар ва совхозлар даволаш муассасалари тармоғини ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Чирчиқ Электрохимпром ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи, Гўшт комбинати бирлашмаси, «Узбекшахтострой», «Узплодоовощвинпром» бирлашмаси, Коммунистик районидаги «Политотдел», Тошкент районидаги «Ленин йўли», Янгийўл районидаги «Ленинизм», Бўстонлиқ районидаги «Ленинград» колхозлари меҳнаткашлар саломатлиги йўлида ибратли ишлар қилмоқдалар.

Областдаги қишлоқ участка касалхоналарида медицина хизмати кўрсатиш, аёллар ва болалар орасида профилактик ишлар олиб бориш бир мунча яхшиланди. Амалга оширилган тадбирлар натижасида беморларни стационар йўли билан даволаш, уларга амбулатория-поликлиника хизмати кўрсатишда ҳам силжишлар рўй берди. Даволаш муассасаларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Ўтган йил давомида 3 миллион 800 минг сўмлик турли аёб-ускуналар сотиб олинди. Дори-дармонлар ва медицина буюмлари умумий ҳажми 798 минг сўмдан кўпроққа ортди, муассасалар 70 та автомашина билан таъминланди.

1981 йил аҳолига тез медицина ёрдами кўрсатишнинг яхшиланганлиги билан ҳам характерлидир. Ҳозирги пайтда областда 19 та ихтисослашган «Тез ёрдам» бригадаси ишлаб турибди.

Бутун республикамиздаги каби областимизда ҳам болалар саломатлигини муҳофаза қилиш партия, совет, соғлиқни сақлаш органлари диққат марказида бўлди. Қатор районларда болалар шифохоналари қад кўтарди. Оналар учун консультация бўлимлари очилди, педиатрия участкалари, поликлиникаларда ихтисослашган кабинетлар, бўлимлар сони ортди. Айниқса, Олмалиқ, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларида аёллар ва болаларнинг касалликка чалинишлари камайди.

Санитария-эпидемиология хизмати фаолиятидаги ўзгаришлар ҳам диққатга сазовор. Уларнинг бир нечтаси янги биноларга кўчиб ўтди. Айримлари учун шундай бинолар қуриляпти. Шаҳар ва районларда санитария назорати такомиллашиб бормоқда.

Ҳар қачонгидек ўтган йилда ҳам область аҳолисини дори-дармон билан таъминлаш анча яхшиланди. Янги дорихоналар ишга туширилди. Ҳозир меҳнаткашларга 192 та хўжалик, 55 та бюджет ҳисобидаги дорихоналар, битта магазин, 500 та филиал хизмат кўрсатмоқда.

Шаҳарлар ва районларни малакали медицина кадрлари билан таъминлаш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди. Ҳозир область соғлиқни сақлаш системасида 30 минг шифокор ва аптека ходимлари хизмат қилмоқда. Булар орасида 20 нафар шифокор — олим, 412 юқори категорияли врач бор. Саломатлик посбонларидан 20 нафари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач унвони билан, 160 нафари партия ва ҳукуматимиз орден ва медаллари билан тақдирланган.

Аммо областда аҳолига медицина хизмати кўрсатиш борасида ҳали ҳал қилинмаган муаммолар анчагина. Қатор районларда, хусусан Оққўрғон, Бекобод, Пискент, Калинин районларида қишлоқ амбулаториялари ноқулай биноларда жойлашган. Медицина муассасалари қурилишини пайсалга солаётган ташкилотлар ҳам оз эмас.

Поликлиникалар хизматида расмиятчиликка ҳамон барҳам берилмаяпти.

Қатор районларда «Тез ёрдам» хизмати бугунги талабларга жавоб бермайди. Бу тармоқдаги шифокорлар орасида қўпол, беморларга лоқайд врачларнинг ҳам борлиги афсусланарли ҳолдир.

Болаларга медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш, улар орасида профилактика хизматини намунали йўлга қўйиш керак. Айниқса қишлоқ участка касалхоналарида бу масалага кўпроқ эътибор кучайтирилиши лозим. Мактабгача тарбия муассасалари ва мактабларда болалар саломатлигини назорат қилиш ишларида ҳам нуқсонлар мавжуд. Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ, Паркент, Пискент, Чиноз районлари соғлиқни сақлаш ходимлари фаолиятида бу камчиликлар яққол кўзга ташланмоқда.

Область санэпидстанцияси ишларида бир мунча ютуқлар қўлга киритилганлигига қарамай, катта камчиликлар бор. Унинг хизматчилари омма орасида профилактика тадбирларини етарли даражада олиб бормаяптилар.

Кейинги йиллар ичида областда санитария маорифи фаолияти ҳам анчагина жонланди. Ҳозирги пайтда 10 та гигиена ва турмуш маданияти университети, 82 та ёш оналар мактаби фаолият кўрсатмоқда.

Шаҳар ва районлар соғлиқни сақлаш органлари санитария маорифини актив ривожлантиришлари зарур.

— Шундай қилиш керакки,— деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида сўзлаган нутқида,— токи Совет кишиси ҳамиша ва ҳамма жойда ўз вақтида, малакали ва ғамхўрона медицина ёрдамини оладиган бўлсин.

Областимиздаги ҳарбир шифокор ўзининг кундалик фаолиятини худди ана шу талаблар асосида юргизиши лозим.

Йиғилишда доклад юзасидан музокарага чиққан Янгийўл шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири О. Абдуллаева, Оҳангарон район марказий поликлиникасининг мудири В. Г. Солоненчук, Ғалаба районидаги «Огонёк» совхозининг директори М. Отажонов, Паркент район марказий дорихонасининг мудири П. Нўъмонов, Ангрен шаҳар медтехника магазинининг мудири А. А. Арутюнянц, Калинин районининг участка врачи Р. Қосимова, Олмалиқ шаҳар болалар касалхонаси — болаларга амбулатория-поликлиника хизмати кўрсатиш бўйича республика илғор мактабининг бош врачи Р. Л. Гольдман, Оржоникидзе районидаги Матқобулов номли қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси А. Соатов, Пискент район санэпидстанцияси эпидемиология бўлимининг мудири М. Қодирова ўртоқлар областда аҳолига медицина хизмати кўрсатишни ва беморларни дори-дармонлар билан таъминлашни янада яхшилаш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Йиғилишда область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев, область ижроия комитети раисининг ўринбосари Г. Б. Нўлдошева ўртоқлар нутқ сўзладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг ўринбосари Э. З. Янсупова, республика Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари И. А. Савельева, медицина ходимлари касаба союзи республика комитетининг раиси З. В. Цветкова, «Узглавмедхозснаб» бошлиғи Б. М. Мавлонов, Ўзбекистон давлат дорихоналар бошқармасининг бошлиғи Х. Ф. Иброҳимов, Қизил Ярим ой жамияти республика Марказий комитетининг раиси К. Шарифбоева ўртоқлар иштирок этдилар.

Йиғилишда республикада соғлиқни сақлаш ишларини ривожлантириш борасида актив фаолият кўрсатаётган илмий-тадқиқот институтларининг директорлари, шунингдек олий ўқув юртларининг ректорлари ҳам қатнашдилар.

Актив йиғилишида область соғлиқни сақлаш ва дорихоналар ходимларининг 1982 йил учун социалистик мажбуриятлари муҳокама этилиб, қабул қилинди.

Йиғилишда дорихоналар ходимлари активининг областдаги барча дорихоналар ходимларига мурожаати қабул қилинди.

В. ЗАГРЯДСКИЙ.



ПОЙТАХТДАГИ қурилиш материалларн комбинатида кафел ишлаб чиқарадиган янги поток линия ишга туширилди. Бу янги участкада ишлаётган ёш, тажрибали сараловчи Алишер Абдурафиев смена топшириқларини мунтазам ошириб бажаряпти.
Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ).

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАР ТАРИХИ ЖАМОАТЧИЛИК ИНСТИТУТИНИНГ ОБЛАСТЬ ФИЛИАЛИДА

ЎЗБЕКИСТОН колхоз ва совхозлари тарихи жамоатчилик институтининг Тошкент область партия комитети ҳузуридаги филиали советининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда область филиалининг ўтган йилги иш якунлари кўриб чиқилиб, бу йилги режалар белгилаб олинди.

Совет йиғилишида область ва район филиаллари ҳамкорлик группалари область партия комитети, район партия комитетлари ва хўжаликлар партия ташкилотларининг раҳбарлиги, доимий ёрдами туфайли қишлоқ хўжалиги ветеранларини жамоат ишларига жалб этиш, хўжаликлар тарихини яратиш ва ветеранлар эсдаликларини ёзиб олиш, колхоз ва совхозлар музейлари ишини активлаштириш соҳасида муайян иш қилганликлари таъкидланди.

Ҳозир 1700 қишлоқ хўжалиги ветерани область хўжаликларида жамоатчилик асосида мураббийчилик қилмоқдалар, ёшларга касб-ҳунар ўргатмоқдалар.

1981 йилда Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи жамоатчилик институтига колхоз ва совхозлар тарихига оид 6 қўлёзма нашр қилишга тақдим этилди. Область филиали колхоз ва совхозлар музейлари активлари, район филиаллари раисларининг ўринбосарлари ва илмий секретарлари билан илмий-амалий семинарлар ўтказди.

Шу билан бир қаторда совет йиғилишида область ва район филиаллари, хўжаликлардаги ҳамкорлик группалари ишида ҳали қатор жиддий камчилик ва нуқсонлар мавжудлиги таъкидланди.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози, «Қибрай» совхози, Оққўрғон районидаги «Оқ-қўрғон» совхози, Вотинцев номли колхоз, Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли, «Қозоғистон ССР 30 йиллиги», Бўка районидаги Ҳамза номли ва Ильич номли, Ғалаба районидаги Димитров номли, Коммунистик районидаги «Ўзбекистон» ва «Ленинский путь», Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозлари сингари машҳур хўжаликларда, Чиноз, Янгийўл ва бошқа қатор районлардаги айрим колхоз ва совхозларда меҳнат шуҳрати музейлари ташкил этилмаган.

Совет йиғилишида область филиалининг 1982 йилги иш плани ҳамда СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонлаш бўйича тадбирлар кўриб чиқилиб, маъқулланди. Бу тадбирларга кўра ветеранлар слётлари ва уларнинг ёшлар билан учрашувларини ўтказиш кўзда тутилган. Колхоз, совхозлар, бошқа қишлоқ хўжалик ташкилотлари музейларида шонли санага бағишланган кўргазмалар ташкил этилади. Район филиалларида ёшлар мураббийлари бўлган ветеранлар ҳақида «Оталар тажрибаси — ёшларни тарбиялаш мактаби» мавзуида плакатлар чиқариш кўзда тутиляпти.

Совет йиғилишида Тошкент область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев сўзга чиқди.

ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР

ЯНГИЧА МАДАНИЯТ УЙЛАРИ

«ТашЗНИИЭП» институти ходимлари Ю. Кан, С. Цой, Я. Гильман ва Н. Бавбековлар типовой район маданият уйининг янги лойиҳасини тайёрлашди. Лойиҳачилар бу ишда бинонинг бўлажак қурилишига янгилик киритдилар. Маданият уйига икки алоҳида кириш йўли бўлади. Шунингдек, томошабинлар зали учун алоҳида ва тўғарак машғулотлари ўтиладиган хоналар учун ҳам алоҳида вестибюллар қурилади.

Бинонинг ташқи кўринишн ҳам диққатга сазовор. Асосий кириш йўли арк кўринишида бўлиб, тематик панно билан безалади. Бино деворларидаги нақшлар унинг миллий колоритини янада кучайтиради.

В. ЗАГРЯДСКИЙ.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

«МЕДИК» ҲИСОБОТИ

Кейинги йилларда Тошкент Давлат медицина институтининг «Медик» кўп тиражли газетаси партия XXVI съезди қарорларини пропаганда қилиш соҳасида муайян ютуқларни қўлга киритди. Олий ўқув юрти партия ташкилоти газета ишига алоҳида эътибор бериб, партия XXVI създи қарорларини бажаришга коллективни сафарбар этиш, ёшларни интернационал рухда тарбиялашдаги ролини янада ошириш юзасидан зарур чоралар кўрмоқда.

Газета саҳифаларида «Севимли касбим», «Навбатдаги курс остонасида» сингари рубрикалар остидаги материалларда студентларни комплекс тарбиялаш масалалари муттасил ёритиб бориляпти. Материалларни тайёрлашда газетхонларнинг хатлари ва истаклари эътиборга олиняпти. Кўп тиражли газетада социалистик мусобақани ёритиш масалалари ҳам институт партия комитетининг доимий назоратига олинган.

Ҳамза район партия комитети бюроси Тошкент Давлат медицина институти партия комитетининг «Медик» кўп тиражли газетасининг партия XXVI съезди қарорларини пропаганда қилишдаги ролини ошириш борасидаги ишлари юзасидан ҳисоботини тинглаб, эришилган ютуқларни қайд этиш билан бирга мавжуд камчиликларни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтди. Газетада оммавий-спорт ишларига етарлича эътибор берилмаётганлиги, ёшларни қизиқтирувчи мавзуларда очерклар, репортажлар, баҳслар кам эълон қилинаётганлиги курсатиб ўтилди. Институт партия комитетига шу камчиликларни бартараф этиш мақсадида тадбирлар белгилаш ва уларни амалга ошириш тавсия этилди.

ТАЖРИБА МАЪҚУЛЛАНДИ

Паркентдаги автобус-таксомотор парки партия ташкилоти пассажирларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, автобус ва таксилардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасида амалга ошираётган ишлари район партия комитети бюросида кўриб чиқилди ва маъқулланди. Бюрода таъкидланганидек, мазкур коллектив план-топшириқларни мунтазам бажариб келмоқда, техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар доимо яхшиланиб бораяпти. Ўтган йил ичида 5 та янги маршрут очилди. Хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш масалаларини партия бюроси мажлислари ва партия йиғилишларида муҳокама қилиш одат тусига кириб қолган

Район партия комитети бюросида автобус-таксомотор парки партия ташкилотининг фаолияти маъқулланиб, мазкур тажрибани янада такомиллаштириш тавсия этилди.

ЎН БЕШЛАР ТАШАББУСИ ИЗИДАН

ҲАР КУНИ ИККИ НОРМАДАН

Оққўрғондаги тикувчилик-галантерея фабрикаси коллективи совет кишиларининг кундалик эҳтиёжи учун турли-туман буюмлар ишлаб чиқармоқда. Чеварлар маҳсулот хилини кўпайтириш қатори сифатини яхшилашга ҳам интилишяпти. Шу мақсадда илғор ташаббуслар кенг қўлланилмоқда.

Корхона цехларида республикамиз ўн беш ишлаб чиқариш илғорининг бир беш йиллиқда икки беш йиллик ва ундан ҳам кўпроқ нормани бажариш юзасидан бошлаган ташаббуси издошлари кўпайиб бормоқда. Бу ватанпарварлик ҳаракатига 2-цехнинг чевари Бахри Юсупова биринчи бўлиб қўшилди.

Моҳир тикувчи корхонада беш йилдан ортиқроқ вақтдан бери меҳнат қилиб келмоқда. Ўз касбининг сир-асрорларини жуда пухта эгаллаган. Барча операцияларни тез ва соз бажаради. Шунинг учун ҳам зиммасига олган мажбуриятини муваффақиятли уддаламоқда. Ҳар сменада ками билан икки норма бажаряпти.

— Бахри Юсупова моҳир тикувчигина бўлиб қолмай, меҳрибон мураббий ҳамдир, — дейди цех бошлиғи Саноабар Соидова.— У кўплаб шогирдлар тайёрламоқда. Ўтган йили икки ёш ишчига касбини ўргатди. Бу йил ҳам ишга янги келган қизларда тикувчиликка меҳр-муҳаббат уйғотмоқда. Бахри Юсупова доим сидқидилдан меҳнат қилади. Шунинг учун ҳам бутун коллективимизнинг ҳурмат-эътиборини қозонган.

А. МУСТАФОЕВ.

СЕССИЯНИНГ ҚАРОРЛАРИ

ПНОМПЕНЬ. Бу ерда Кампучия Халқ Республикаси миллат мажлисининг сессияси ўз ишини давом эттирмоқда. Депутатлар мамлакатнинг 1981 йилги ривожланиш якунларини маъқулладилар ҳамда КХРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1982 йилги планини қабул қилдилар.

Миллат мажлисининг сессияси Чан Сини миллий мудофаа министри вазифасидан озод қилиб, уни КХР Министрлар Советининг Раиси этиб тайинлади. Бу Тхонг КХР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ва миллий мудофаа министри қилиб тайинланди.

ГФР. Франкфурт-Майн шаҳрида 10 минг киши иштирок этган норозилик намойиши бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари шаҳар аэродромида АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари учун янги учиш-қўниш майдони қурилиши тўхтатилишини талаб қилдилар. Полиция намойишчиларга қарши тайёқлар, қўдан ёш оқи зувчи гранаталарни ишга солди.

АП—ТАСС телефотоси.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ҚИРҒИН КЕЛТИРУВЧИ ҚУРОЛНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА КИРИШМОҚДАЛАР

✦ ВАШИНГТОН. Қўшма Штатлар қирғин келтирувчи қурол-жанговар заҳарловчи моддаларни кўплаб ишлаб чиқаришга киришмоқда. Президент Рейган вакиллар палатасининг оқсоқоли Т. О. Нилга юборган хатида химиявий қурол ишлаб чиқариш АҚШнинг «миллий манфаатлари учун ғоятда муҳим» деб таъкидланади. Оқ уй бошлиғи бу янги мудхиш режаларни оқламоқчи бўлиб, «ҳозирги халқаро вазият» шуни тақозо этади, деган.

Рейган маъмурияти ҳокимият тепасига келиши билан унгача ҳам дунёда энг кўп химиявий қурол ғамлаб қўйган Қўшма Штатлар химиявий урушга актив тайёргарлик олиб бормоқда. Шу мақсадда Пайн Блаффдаги химиявий қурол заводи тез суръатлар билан реконструкция қилинмоқда.

Конгресс муҳокамасига қўйилган ҳарбий бюджет лойиҳасига кўра, Пентагонга химиявий урушга қизғин тайёргарлик кўриш учун 1983 молия йилида 705 миллион доллар ажратилади. Ҳозирги молия йилда эса 532 миллион доллар ажратилганди. Химиявий қурол янги турларини яратиш соҳасидаги тадқиқот ишларига 32 миллион доллар берилади. 1981 молия йилида эса 7 миллион доллар берилганди.

Пентагон бошлиғининг докладига кўра, АҚШ «бинар» қурол деб аталмиш қуролнинг ишлаб чиқаришга киришиш учун тайёр. Бошқа «янада самарали» химиявий қурол турларини ҳамда уларни анча олис масофага етказиш воситаларини ишлаб чиқариш имкониятн ҳам кўриб чиқилмоқда.

«Мудофаа министрлигидаги расмий кишиларнинг айтишларича, ҳозирги вақтда Американи аслаҳахоналарида химиявий моддаси бўлган 700 минг ядро бомба ва тўп ўқи борки, улар замонавий артиллерия ва ракета установкаларида фойдаланиш учун яроқсиздир, — деб хабар қилди Эй-би-си телекомпанияси.—Шунинг учун ҳам Пентагон уларни энг янги турдаги химиявий қурол — «Бинар» билан алмаштиришни талаб қилмоқда. Эй би-си Пентагоннинг режалари «Ғарбий Европада катта қаршиликка дуч келиши шубҳасиздир, чунки шу қурол турларини айни ўша ерда ишлатиш мўлжалланмоқда», деб огоҳлантиради. Эй-би-синнг Лондондаги мухбири Оқ уйнинг ниятлари «Европада ғоятда номатлуб деб қабул қилинди. Бу ният қитъада американизмга қарши янги кураш тўлқинини кучайтиради» деб таъкидлади.

✦ САН-ФРАНЦИСКО. Америка қўшинларини химиявий урушга тайёрлаш программасининг раҳбари генерал Н. Фулуайлер «Лос Анжелес таймс» газетасининг мухбири билан қилган суҳбатида Пентагон химиявий қурол ишлатилиши аҳлоқка ва инсонпарварликка зидлиги тўғрисидаги американликларнинг фикрини ўзгартиришга уринмоқда, деди.

АҚШ, деб таъкидлайди Л. Фулуайлер, асабни ишдан чиқазадиган ҳужум қуролини — аввало «бинар» снарядлар ва бомбаларни ишлаб чиқаришга асосий эътибор бериш ниятида.

✦ ҒАРБИЙ БЕРЛИН. «Қўшма Штатлар Ғарбий Европа мамлакатларида янги химиявий қуролни жойлаштириш нияти билан қитъамизни ядровий урушгина эмас, химиявий уруш майдонига ҳам айлантиришга ҳаракат қилмоқда», деб ёзади Ғарбий Германиянинг «Вархайт» газетаси.

(ТАСС, 9 февраль).

БИРЛИК ВА ЖИПСЛИК НАМОЙИШИ

КОБУЛ, 9 февраль. (ТАСС). Афғонистон Халқ демократик партиясининг умуммиллий конференциясига тайёргарлик кампанияси янги босқичга кирди. АХДП Марказий Комитетининг VII пленумида ана шу конференцияни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Конференция партия ва мамлакат ҳаётида гоят муҳим воқеа бўлади. АХДП аъзолари ва аъзоликка кандидатларининг бошланғич партия ташкилотларидаги йиғилишлари тугаганидан кейин мамлакатда шу кунларда вилоят ва шаҳар партия ташкилотларининг конференциялари ўтмоқда.

Ҳозир вилоятн бошланғич ташкилотларидан сайланган делегатларнинг конференцияси партия аъзолари бирлиги ва жанговар жипслигининг ёрқин намойишига айланди. Ана шу вилоят партия конференциясининг қатнашчилари, ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларнинг вакиллари АХДП Марказий Комитетининг VII пленуми якунларини муҳокама қилдилар, АДР партияси ва ҳукуматининг Апрель революцияси ғалабаларини ҳимоя қилиш, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш соҳасидаги сиёсатини қатъий қўллаб-қувватлаётганликларини айтдилар. Делегатлар вилоят партия ташкилотининг фаолияти якунларини ҳам муҳокама қилдилар, меҳнаткаш халқ зафарларини янада мустаҳкамлаш вазифаларини, бу вазифаларни амалга оширишнинг конкрет режаларини белгиладилар.

АХДП умуммиллий конференциясига делегатлар сайланди. Ҳирот вилоят конференциясининг қарорида уқтириб ўтилганидек, АХДП умуммиллий конференцияси афғон халқининг ўз партияси теварагидаги бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш соҳасида муҳим воқеа бўлади, мамлакатда янги жамият барпо этишга қаратилган ҳаракатларнинг программасини белгилаб беради.

Бахтар агентлигининг хабар беришича, Пактия жануби-шарқий вилоятида ҳам партия конференцияси бўлиб ўтди. Бу конференцияда ҳам вилоят партия ташкилотининг якунлари муҳокама этилди, аҳолиқишлоқчиларга қарши бундан буён ҳам кураш олиб бориш, революцион ривожланиш жараёнини чуқурлаштириш йўллари белгиланди.

ТЕЛЕТАЙП ЁНИДА 24 соат

● **ПРАГА.** Бу йил Чехословакия саноати Совет Иттифоқининг буюртмаларига мувофиқ йўл, кросс ва махсус пойга мотоциклларидан салкам 100 мингтасини тайёрлаб беради.

ЧССР мотоцикл саноати Совет Иттифокининг буюртмачилари билан қарийб 20 йилдан буён самарали ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Шу вақтгача ЧССР машинасозлари СССР учун 1,4 миллионга яқин мотоцикл тайёрлаб бердилар.

● **ЛОНДОН.** Буюк Британияда ялпи қирғин қуролининг барча турини тақиқлашга даъват этувчи хитобномага имзо тўплаш кампанияси бошланди. Бу кампания ялпи қуролсизланиш учун курашувчи жамоат ташкилоти ташаббуси билан ўтказилмоқда.

Бизнинг мақсадимиз, деди ана шу кампания ташкилотчиларидан бири Г. Таффер, — ядро қуроли хавфининг олдини олиш учун, қуролланиш пойгасига қарши олиб борилаётган курашни кучайтиришдан иборат.

● **ҚОҲИРА.** Миср президенти Х. Муборак чет мамлакатларга қилган биринчи сафари тугагандан кейин Қоҳирага қайтиб келди. У давлат бошлиғи сифатида ана шу сафарга борган эди. Х. Муборак ўн кун давомида Италия, Франция, АҚШ, Англия, ҒФР ва Австрияда бўлди. У ана шу мамлакатларнинг раҳбарлари билан икки томонлама муносабатларни, шунингдек Яқин Шарқдаги аҳволни ва бир қанча халқаро проблемаларни муҳокама қилди.

● **НЬЮ-ЙОРК.** Қўшма Штатлар машинасозлик ва аэрокосмик саноати ишчилари уюшмаси раҳбарлигининг аъзоси Х. Креймер АҚШ маъмуриятининг ҳарбий ҳаражатларини янада кўпайтиришга қаратилган милитаристик йўлини кескин танқид қилди.

У бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида сўзлаб, Р. Рейган маъмуриятининг сиёсати мамлакат экономикаси бошидан кечираётган қийинчиликларни кучайтирмоқда, деди. Ҳарбий ҳаражатларнинг кўпайтирилиши пулнинг қадрсизланишига, саноат бир қанча тармоқларида ишлаб чиқаришнинг қисқаришига, меҳнаткашлар аҳволининг янада ёмонлашувига олиб келади, деб таъкидлади Х. Креймер.

● **МЕХИКО.** Мексикада ўтган ҳафтада озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи 5 процент ошди. Мексико банки ана шуни хабар қилди.

1981 йилда мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотлари ўрта ҳисобда қарийб икки баравар қимматлашган эди.

● **КОБУЛ.** Бугун Афғонистон пойтахтида АДР ташқи ишлар министрлиги дипломатия институтини навбатдаги иккинчи марта битириб чиқувчиларнинг маросими бўлди. Ташқи ишлар министри Шоҳмуҳаммад Дўст битириб чиққанларга дипломлар топширди.

Ш. Дўст битириб чиққанлар ҳузурида нутқ сўзлаб мамлакат давлат аппарати учун малакали кадрларни тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Министр уларни ўз дипломатик вазифаларини масъулиятли ҳис қилиб бажаришга ва шу тариқа Апрель революцияси ғалабаларини мустаҳкамлаш ишига ҳисса қўшишга чақирди.

ТОКИО, 10 февраль. (ТАСС). Япония полициясн Токиодаги ҳашаматли «Нью-Жапан» меҳмонхонасида чиққан ёнғин сабабларини аниқлашга киришди. 8 февралда бўлган бу ёнғин натижасида 32 киши ўлган ва 28 киши оғир жароҳатланган. Олов саккизинчи қаватдаги хоналардан бирида ўчирилмаган сигаретадан чиққан, деб тахмин қилинмоқда. Япония пойтахтида иккинчи жаҳон урушидан кейинги давр ичида юз берган энг катта ёнғин учун жавобгарлик меҳмонхона маъмурияти зиммасига тушиши ўз-ўзидан кўриниб турибди. Полиция маълумотларига кўра, «Нью-Жапан» меҳмонхонаси эгалари Токио ёнғин департаментининг ёнғинга қарши ҳаҳфсизлик системалари ҳолатини яхшилаш тўғрисидаги бир неча марта қилган талабини писанд қилмаган. Бинода ўрнатилган тутун тутқичлар токка уланмаганлиги учун ёнғин вақтида уларнинг биронтаси ҳам ишламаган.

Бундан ташқари, меҳмонхона маъмурияти «иқтисод қилиш» мақсадида хизмат қилувчи ходимлар штатини қисқартирган. Бу эса, Киодо Цусин агентлигининг фикрича, ёнғинни ўз вақтида билиб қолиш имкониятини анча камайтирган.

● **МОНРОВИЯ.** Мано дарёси соҳилидаги давлатлар иттифоқининг мажлиси бу ерда ниҳояга етди. Мажлис ғарбий Африка мамлакатлари экономикасининг турли тармоқлари учун малакали мутахассислар тайёрлаш масалаларига бағишланган эди.

Иттифоқ аъзоси бўлган мамлакатлар — Гвинея, Либерия ва Сьерра Леоне вакиллари ўқуа программаларини тасдиқладилар, олий ўқув юртлари ишини яхшилаш тадбирларини белгиладилар.

(ТАСС, 9 февраль).

КАДРЛАРНИНГ ҚИШКИ ЎҚУВИ

2-МАШҒУЛОТ

ЧОРВАЧИЛИКНИ ИНТЕНСИВЛАШ — БОШ ЙЎНАЛИШ

ТОШКЕНТ область партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз, совхоз ва бошқа давлат хўжаликлари раҳбар кадрларнинг навбатдаги ўқув машғулоти Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти клубида бўлиб ўтди.

Машғулотни область партия комитетининг секретари М. Қ. Қодиров олиб борди.

Машғулот қатнашчилари «КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IV Пленумлари қарорлари асосида область хўжаликларида гўшт, сут ва тухум етиштиришни кўпайтириш резервларидан фойдаланиш йўли билан чорвачиликни янада интенсивлаш чоралари тўғрисида»ги масалани муҳокама этдилар.

Область ижроия комитети раисининг ўринбосари А. Б. САИДХУЖАЕВ шу мавзуда доклад қилди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққанлар область чорвачилигининг ҳозирги аҳволини чуқур таҳлил қилдилар, ютуқларни таъкидлаб, илғор тажрибаларни ўртоқлашиш билан бирга мавжуд нуқсонларни очиб ташладилар ҳамда навбатдаги вазифаларни белгилаб олдилар.

Ўқув машғулотида область ижроия комитети раиси Т. А. Алимов, область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари С. Т. Тошқулов ўртоқлар иштирок этдилар.

Ушбу саҳифада ўқув машғулоти ҳақидаги ҳисобот билан танишасиз.

ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИ — ОММАГА

— КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар асосида чорвачиликни юксак даражага кўтариш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ишлаб чиққан иқтисодий ва ташкилий тадбирлар комплекс программасига таянган ҳолда,— деди докладчи,— область колхоз ва совхозларида тармоқни интенсивлаш, техника тараққиётини жадаллаштириш, фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни кенг оммалаштириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, маҳсулот етиштиришни ихтисослаштириш ва марказлаштириш, чорвачилик маданиятини юксалтириш соҳасида катта ишлар олиб борилмоқда.

1981 йилда аввалги йилдагига нисбатан қорамоллар тўёғи 5 процент, қўй ва эчкилар 4 процент, чўчқалар 3 процент, паррандалар 8 процент, шу жумладан тухум берадиган товуқлар 13 процент кўпайди. Гўшт етиштириш эса 6,7 минг тонна, сут етиштириш 10 минг тонна ва тухум етиштириш 31 миллион донага ошди. Давлатга планга қўшимча 2 минг тонна гўшт, 11,1 минг тонна сут, 7,3 миллион дона тухум ва 366 тонна жун сотилди.

Соғин сигирлар маҳсулдорлиги ҳам йил сайин бир маромда ортиб бормоқда. Ўтган йили ҳар бош сигирдан 3442 килограмм ёғли аввалги йилдагига нисбатан 23 килограмм кўп сут соғиб олинди. Бўрдоқичилик ишлари ҳам йил сайин яхшиланиб бормоқда. Ўтган йили гўштга топширилган қорамолларнинг ўртача тирик вазни 425 килограмми, чўчқаларнинг тирик вазни 109 килограмми, қўй ва эчкиларнинг тирик вазни 45 килограммни ташкил этди.

Ютуқларни қайд этиш билан бирга мавжуд нуқсон ва камчиликларга ҳам эътиборни қаратиш ўринлидир. Ҳамма ерда чорвачиликни бир маромда ривожлантириш имконини берадиган ички резервлардан тўла фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Суст фаолият кўрсатаётган Оҳангарон, Оржоникидзе, Бўстонлиқ ва Чиноз районларидаги кўпгина хўжаликлар область партия комитети томонидан ишлаб чиқилган тадбирларни бажаришдан ортда қолмоқдалар. 1981 йилда Оҳангарон районидаги 14 хўжаликдан 12 таси гўшт етиштириш, 6 таси сут етиштириш, 7 таси тухум етиштириш топшириқларини бажармади. Оржоникидзе районида эса 18 хўжаликдан 10 таси аввалги йилдагига нисбатан гўшт етиштиришни, 2 таси сут етиштиришни камайтириб юборди.

1980 йил якунларини атрофлича анализ қилиб, йўл қўйилган камчиликларга нисбатан таҳқидий муносабатда бўлиб, ҳамда КПСС XXVI съезди қароридан келиб чиқадиган вазифалар асосида область колхозлари, совхозлари, районлар ва бошқа қишлоқ хўжалик органлари 1982 йилда чорвачиликни янада жадал ривожлантиришга қаратилган ташкилий-техник тадбирлар ишлаб чиқдилар. **Бу тадбирларда 1981 йилдагига нисбатан гўшт етиштириш 20 процент, сут ва тухум етиштириш 15 процент кўпайиши керак.**

Бу масъулиятли вазифани муваффақиятли ҳал этиш ҳар бир хўжалик, ферма ва бригадада мавжуд бўлган ички резерв ва имкониятни қидириб топиб, тўла ишга солишни талаб этади. Бунинг учун, аввало, барча йўллар билан қорамоллар тўёғини кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишга эришиш лозим бўлади.

Молларни бўрдоқига боқиш соҳасида ҳам жиддий нуқсонлар йўқ эмас. Ёш молларни парвариш қилиш ва жадал боқиб семиртириш соҳасидаги резервлар тўла ишга солинмаётир.

Бўрдоқичилик ишлари билан жиддий шуғулланиб, молларни суткалик семиртиришда ва давлатга юқори семизликда топширишга эришаётган илғорлар тажрибасини кенг оммалаштириш лозим. Ўтган йили Калинин райони хўжаликлари ҳар бир қорамолнинг ўртача тирик вазнини 539 килограммга етказиб, Тошкент райони хўжаликлари 460 килограммга, Оржоникидзе районы хўжаликлари 459 килограммга, Ғалаба районы хўжаликлари 447 килограммга етказиб гўштга топширдилар.

Бироқ, кўпгина районларда ва хўжаликларда бундай илғор тажрибаларни чуқур ўрганиш ва дадил қўлланишга етарли эътибор берилмаётир. Масалан, Оҳангарон районы хўжаликлари молларни яйратиб боқиш учун қулай шароит ҳамда қуввати етарли бўлган хўжаликлараро бўрдоқичилик базасига эга бўлишларига қарамай, қорамолларнинг тирик вазнини 365 килограммга етказиб гўштга топширмоқдалар.

Гўшт ресурсларини кўпайтиришда хўжаликларнинг ички эҳтиёжлари учун мол сўйишни тартибга солиш ҳам катта резерв ҳисобланади. Кўпгина хўжаликлар бу муҳим масалага бефарқ муносабатда бўлмоқдалар. Шунинг учун ҳам 1980 йилда область колхоз ва совхозларида ички эҳтиёжлар учун сўйилган қорамолларнинг ўртача тирик вазни 184 килограммни ташкил этди. Бу кўрсаткич Паркент районида 116 килограмм, Пискент районида 144 килограмм. Бўстонлиқ районида эса 90 килограммга тўғри келди.

Яқин вақт ичида ички эҳтиёжлар учун сўйилаётган молларнинг ўртача тирик вазнини 350 килограммга, давлатга топширилаётган молларнинг тирик вазнини эса 450—500 килограммга етказиш зарур.

Гўшт ресурсларини бойитишда қўйчилик ҳам муҳим ўрин тутади. Бу тармоқни ихтисослаштириш ва марказлаштириш область бўйича ялпи қўй гўшти етиштиришни анча кўпайтириш имконини берди. Шунга қарамай арзон гўшт етиштириш манбаи бўлган қўйчиликни жадал ривожлантиришга ҳамма ерда ҳам жиддий эътибор бериляпти, деб бўлмайди. Бир қатор хўжаликларда қўйлар сони ҳеч қандай сабабсиз камайтириб юборилди. Масалан, Ўрта Чирчиқ районида 4891 бош, Коммунистик районида 4012 бош камайди.

Қўйчиликни ҳар томонлама ривожлантиришга эришиш лозим. Бунинг учун, аввало, совлиқларни кўпайтиришга алоҳида эътибор бериш керак. Поддадаги совлиқлар сонини 43 процентдан 55 процентга етказиш қўйлар туёғини кўпайтиришнинг муҳим омилидир.

Партия ва ҳукуматимиз чорвачиликнинг саноат негизига кўчирилган тез етиладиган соҳаларини ривожлантиришга даъват этаётир. Бу йил чўчқа ва парранда гўшти етиштириш 1,5 баравар кўпайтирилиши лозим.

Чўчқачилик саноат комплекслари ва паррандачилик фабрикалари ҳозирги кунда гўшт ва тухум етиштиришда асосий ўринни эгаллаб турибди. Комплекс ва паррандачилик фабрикаларида жами чўчқаларнинг ўндан икки қисми ва паррандаларнинг 97 проценти парвариш қилинмоқда. Давлат томонидан харид қилинаётган парранда гўштининг 92 процентини, чўчқа гўштининг 75 процентини ва тухумнинг 91 процентини ана шу хўжаликлар етказиб бермоқда.

Бироқ, саноат комплекслари ва паррандачилик фабрикаларининг бугунги хўжалик фаолияти даражаси ва олиб борилаётган ташкилий ишлар КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1981 йил) Пленуми ва Ўзбекистон Компартиси Марказий Комитетининг IV пленуми талабларига тўла жавоб беролмайди. Кўпгина хўжаликларда ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланилмаяпти, гўшт етиштириш суръатларининг ўсиши сust.

Область паррандачилик трестига қарашли бир қатор фабрикаларда маҳсулот етиштиришда ҳамон жиддий нуқсонлар мавжуд. Асосий иллатлардан бири паррандалар сонини, айниқса жўжаларни сақлаб қололмаслик ва тухум берадиган товуқлар маҳсулдорлигининг пастлигидадир. Кўп меҳнат талаб қилинадиган жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштириш, паррандаларни ерда боқишдан катакларда боқиш технологиясига ўтиш ишлари жуда сust жорий этилмоқда.

Саноат негизига кўчирилган чўчқачилик ва паррандачиликни ҳар томонлама ривожлантириш билан бирга бу тармоқни колхоз ва совхозларда ҳам кенгайтиришни унутиб қўймаслигимиз керак. Бу соҳада бир мунча ишлар қилинди. Ҳозир область даги деярли ҳамма хўжаликлар паррандачилик фермаларига эга. **Бу ишни жадал давом эттириб, ҳар бир хўжаликда камида 10 минг бош парранда боқиладиган бўлишига эришиш зарур.**

1981 йил якунига кўра Тошкент области ҳар бир сигирдан сут соғиб олиш бўйича мамлакатимизда тўртинчи ўринни эгаллади. Бу йил эса янада юксак марраларни эгаллаш лозим бўлади. Демак, сутчиликка ихтисослашган чорвачилик маданиятини юксак даражага кўтариш зарур.

Ҳозирги кунда асосий эътиборни сутчилик комплексларини урғочи моллар билан тўла таъминлашга қаратмоқ лозим. Мавжуд комплекслар ҳанузгача тўла қувват билан ишлатилмаётир. Масалан, Оржоникидзе, Калинин, Чиноз ва Оққўрғон районларидаги мавжуд сутчилик комплексларидан қувватидан 73—76 процент фойдаланилмоқда, холос.

Чорвачиликни жадал ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири озуқа базасини мустаҳкамлашдир. Партия, совет ва хўжалик органлари озуқа етиштиришни интенсивлаш, ва озуқа тайёрлашнинг илғор технологиясини жорий этиш юзасидан катта ишлари амалга оширмоқдалар. Кейинги йилларда сенаж бостириш ва ўт уни тайёрлаш ҳажми сезиларли даражада ошди.

1981 йилда озуқа тайёрлаш озуқа бирлиги ҳисобида олганда аввалги йилдагига нисбатан 1,2 баравар кўпайди. Аммо, бир қатор колхоз ва совхозларда беда, маккажўхори ва илдизмевали озуқалардан ҳамон паст ҳосил олинмоқда.

Қишлоқ хўжалик органлари ва хўжаликларнинг раҳбарлари мустаҳкам озуқа базасини яратиш учун кечиктириб бўлмайдиган зарур чораларни кўришлари лозим. Озуқа экинлари майдонлари структурасини такомиллаштириш, алмашлаб экишни жадал ўзлаштириш, ҳосилдорликни кескин ошириш, озуқа тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлашнинг илғор технологиясини жорий этиш, ўларнинг сифатини ошириш ва рационал фойдаланишга қаратилган комплекс программалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур.

Моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чорвачиликни жадал ривожлантиришнинг асосий шартларидан биридир. Шу муносабат билан мавжуд чорвачилик фермаларини реконструкция қилиш, уларни механизациялаштириш лозим бўлади. Ҳозирги вақтда область колхоз ва совхозлари ҳамда қорамолчилик фермаларида суғориш ишлари 99 процент, молхоналарни тозалаш 72 процент, сигирларни соғиш 89 процент, озуқа тарқатиш 67 процент механизациялашган.

«Госкомсельхозтехника» область бирлашмаси ва унинг бўлинмалари, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бу муҳим участкадаги ишларни жадаллаштиришлари керак. Шу йилнинг ўзидаёқ ҳамма ферма ва комплекслар техник хизмат кўрсатишга тўла ўтказилиши лозим. Шу билан бирга чорвадор кадрларни машина ва механизмларни тўғри бошқаришга ўргатиш ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак.

Чорвачиликни жадал ривожлантириш соҳага раҳбарлик қилиш савиясини ошириш, тўшт, сут ва тухум етиштиришни кўпайтириш имконини берадиган резервларни синчковлик билан излаб топиб, ишга туширишни талаб этади. Шунингдек, 1981 йил натижаларини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб, 1982 йил учун белгиланган тадбирларни тўла бажариш чораларини кўриш зарур.

Область чорвадорлари олдига қўйилаётган муҳим ва шарафли вазифаларнинг ҳар бир хўжалик, тайёрлов ташкилотлари ва ҳар бир район томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлаш ўн биринчи беш йилликни барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли якунлашнинг муҳим шартидир.

НАСЛЛИ ҒУНАЖИНЛАРНИ КЎПАЙТИРАЙЛИК

ФАН ЮТУҚЛАРИ ва илғор хўжаликларнинг тажрибалари шуни тасдиқламоқдаки, сигирлар сутининг кўпайиши 50—55 процент озуқа базасига, 15—17 процент сақлаш технологиясига, 20—25 процент наслчилик ишларига боғлиқдир,— деди чорвачилик илмий-тадқиқот институти бўлим мудири **Э. Ю. Карчевский.**— Кўриниб турибдики, маҳсулдорликни оширишда наслчилик соҳаси ҳам муҳим роль ўйнайди. Аммо, бу борада кўрилаётган янги тадбир дарҳол ўз натижасини беравермайди, орадан 5—10 йил вақт ўтади. Демак, келажакда сигирлар наслини яхшилаб, маҳсулдорлигини оширишни истаган чорвадор бу ишни шу бугунданоқ пухта бошлаши керак бўлади.

Областдаги 19 та хўжалик наслчилик билан шуғулланмоқда. Подадаги зотли сигирлари кўпайтириб боришда фойдаланиш учун соғлом, энг кўп сут берадиган ва сути ёғлик бўлган сигирлар ажратиб олинади.

Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг мол зотларини ўзаро солиштириб олиб борган кузатишларига қараганда **мустаҳкам озуқа базасига эга бўлган йирик комплексларда қорамол зотли молларни парвариш қилиш мақсадга мувофиқдир. Уларнинг туёғи ва маҳсулдорлиги йил сайин ортиб бормоқда.**

Соғин сигирлар подасини сифат жиҳатдан яхшилаб боришда зотли ёш ғунажинларни кўплаб етиштиришни тўғри йўлга қўйиш муҳимдир. Бундай бузоқларни ўстиришда уларнинг тирик вазни 16—18 ойлигида 340—360 килограмм бўлишига эришиш керак. Бунинг учун озуқа рационни соғин сигирлар рационни билан тенг бўлиши лозим.

Зотли ғунажинларни ихтисослашган хўжаликларда етиштириш мақсадга мувофиқдир. Бу хўжаликларга 10—15 кунлик бузоқлар келтирилиб, 10—15 кун давомида алоҳида катакларда боқилади. Сўнг 10—15 тадан группаларга бўлиниб, уч ойгача парвариш қилинади. Бу даврда бузоқлар 250—300 килограмм ёғли ва 400 килограмм ёғи олинмаган сут, 40 килограмм омухта ем, 52 килограмм қуруқ ҳашак, 30 килограмм силос, 210 килограмм сенаж бериб боқилади. Уларнинг бир суткада ўртача семириши, 700 граммдан кам бўлмаслиги керак.

Бузоқлар қочирилган дастлабки кунданоқ уларни сақлаш ва боқишга жиддий эътибор бериш сермаҳсул сигирларга эга бўлишнинг муҳим шартларидан биридир. Ана шунда ғунажинлар биринчи туғишдан сўнг ва кейинчалик ҳам кўп ва сифатли сут берадиган бўлади. Бўғоз ғунажинлар рациони сифатли, озуқалардан тузилиб, бир кеча-кундузда бериладиган озуқа бирлиги 7,3—7,6, семириши эса 400 граммдан кам бўлмаслиги керак. Улар 24 ойлик бўлганда тирик вазни 420—430 килограммга етади. Сутчилик комплексларини фақат ана шундай сифатли парвариш қилинган ғунажинлар билан таъминлаш лозим.

ЛЬВОВЛИКЛАР УСУЛИГА КЕНГ ЙЎЛ!

— Ҳозирги даврда сигирларнинг физиологик ҳолатидан қатъий назар, уларни сут соғувчиларга бириктириб қўйиш нотўғри анъанага айланиб қолган. Бу усул моллар маҳсулдорлиги ва меҳнат унумдорлигининг ошишига, маҳсулот таннархининг камайишига тўсқинлик қилаётир,— деди область партия комитети қишлоқ хўжалик бўлими мудирининг ўринбосари **И. В. Ажинов.** Олимлар ва тажрибакорларнинг кейинги йиллардаги тинимсиз изланишлари натижасида **сут етиштиришнинг Львов усули деб номланган потоксцех технологияси юзага келди.**

Бу технологиянинг моҳияти шундаки, соғин сигирлар физиологик ҳолатига қараб махсус хона (цех)ларда группалаштирилади. Бу эса моллари боқиш, сақлаш ва зооветеринария хизмати кўрсатишда қулайлик яратади.

Сутдан чиққан бўғоз сигирлар алоҳида цехга олиниб, бир кеча-кундузда 8—9 озуқа бирлиги бериб боқилади. Қишки рацион таркибига юқори сифатли беда хашаги ва сенаж, 2—2,5 килограмм омухта ем, турли витамин ва минерал моддалар қўшилади.

Туғишига 10 кун қолганда бўғоз моллар туғуруқхонага ўтказилади. Цех 3 та секциядан яъни туғиш олдидан, туғуруқхона ва туққандан сўнг сақланадиган секциялардан иборат бўлади. Биринчи ва учинчи секцияларда моллар бойлоқ ҳолда сақланади. Туғуруқхонада эса бокслар қурилади.

Ҳар бир сигир туққандан сўнг орадан 30 минут ўтгач, бузоқ биринчи марта молбоқарлар ёрдамида оғиз сутини эмиши керак. Бунинг аҳамияти шундаки, оғиз сути орқали мурғак бузоқ организмига жуда зарур бўлган антитела, глобулин ва турли витаминлар ўтади. Бундан ташқари оғиз сути оқсил, ёғ ва углеводларга бой бўлади.

Сигирлар туққандан 3—4 кун ўтгач, навбатдаги секцияга олиб ўтилади. Улар вақти-вақти билан очиқ майдонларга олиб чиқиб, яйратиб турилади. Бир кунлик рацион 10—11 озуқа бирлигидан иборат бўлади.

Ферма (комплекс)даги сигирларнинг сонига қараб янги туққан сигирлар 10—15 кундан кейин махсус (раздой) цехга ўтказилади. Бу ерда сигир ва ёш ғунажинларнинг сут бериш қобилияти аниқланади. Бунинг учун улар биринчи марта соғиб кўрилади. Агар 15 килограмм сут берса, мутахассис кейинчалик мол сутини кўпайтиришга ишонса, рационнинг 15 килограмм сут ҳисобидан эмас, масалан, 19,5 килограмм ҳисобидан тузиш керак бўлади. Сигирлар кунига 3 маҳал соғилади ва ҳар сафар елинлари массаж қилинади.

Орадан 10 кун ўтгач, сигир яна соғиб кўрилади. Агар сути 19,5—20 килограммга етса, худди аввалги тартибга рацион яна бойитилади ва **бу иш сутнинг кўпайиши тўхтагунча давом эттирилади. Сўнгра улар асосий соғин сигирларга қўшилади.**

Сут етиштиришнинг бу янги технологияси қатъий белгиланган ташкилий-хўжалик ва ветеринария-зоотехника тадбирларига асосланган бўлиши керак.

ХОНАДОНДАГИЛАРИ ҲАМ ЭЛ УЧУН

— ШАХСИЙ ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг катта резервидир,— деди область тайёрлов инспекциясининг катта инспектори **Н. Н. Носиров.**— Партия ва ҳукуматимиз колхозчиларга, ишчи-хизматчиларга ва бошқа гражданларга шахсий хўжаликларини юритишларига амалий ёрдам кўрсатар экан, энг аввало уларнинг моддий ва маънавий манфаатдорликларини оширишга алоҳида эътибор бераётир.

1981 йилда аҳолига 3520 бош чўчқа боласи, 1300 жўжа, 2237 бош ёш мол, 8284 бош майда мол сотилди. 6 минг гектар яйлов ажратиб берилди, кўплаб озуқа тарқатилди.

Ўтган йили аҳоли зич яшайдиган жойларда 290 та сут қабул қилиш пункти очилди. Жамоатчилик асосида қабул қилувчилар 2 баравар кўпайиб, 465 кишига етди. Натижада аҳолидан ортиқча маҳсулотларни харид қилиб олиш анча кўпайди. 1981 йилда аҳолидан 2487 тонна гўшт, 12869 тонна сут, 14681 минг дона тухум қабул қилинди. Бу областда умумий тайёрланган гўштга нисбатан 5,6 процентни, сутга нисбатан 8,5 процентни, тухумга нисбатан 4,6 процентни ташкил этади.

1982 йилда белгиланган тадбирлар совет, хўжалик ва тайёрлов органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларидан аҳолидан ортиқча чорвачилик маҳсулотлари харид қилишни барча чоралар билан кўпайтиришларини талаб этади. Бу йил шахсий хўжаликлардан камида 4,2 минг тонна мол ва парранда гўшти, 18 минг тонна сут, 19,1 миллион дона тухум қабул қилиб олиниши керак.

Бу соҳада фойдаланилмаётган резервлар ҳали кўп. Тошкент сут саноати бирлашмаси ўз зиммасидаги вазифани тўла бажармаяпти. Пунктларда қабул қилинаётган сутнинг ёғлилик даражаси аниқланмаган, ҳисоб-китоб ишлари ҳам пала-партиш. Натижада жамоатчи қабул қилувчилар тайёрлов ташкилотларига нисбатан ишончларини йўқотмоқдалар.

Қишлоқ ва посёлка Советлари, хўжаликларнинг раҳбарлари аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб боришлари, шахсий хўжаликлар билан шартнома тузиб, шу асосда уларга керакли миқдорда озуқа турларини етказиб беришлари керак.

ОЗУҚА МЎЛ БЎЛСА...

— ХЎЖАЛИГИМИЗДА 1978 йилга нисбатан гўшт етиштириш 208,6 процент, сут — 149,3 процент, тухум — 137,2 процент кўпайди. Бўрдоқиларнинг тирик вазни 32 килограммга ортиб, 470 килограммга, ҳар бош сигирдан сут соғиб олиш 698 килограммга кўпайиб, 5102 килограммга етди,— деди Янгиёўл районидаги «Коммунизм» колхози бош зоотехниги **С. Эрмакбоев.**

Озуқа экинлари ҳосилдорлигини ошириш, сифатини яхшилаш ютуқларимиз омили бўлаётир. **Озуқа етиштириш билан шуғулланадиган алоҳида бригада ташкил этилгандан сўнг бу соҳадаги ишларимиз жонланиб кетди. Аралаштириб экиш, яъни дон учун экилган маккажўхорига лавлаги, янги бедага судан ўтини қўшиб экиш яхши самаралар беряпти.** Масалан, ўтган йили маккажўхори дони ўриб олингач, лавлагига гектар ҳисобига 300—350 килограммдан азот ва 150 килограммдан калий ўғити бериб, уч марта суғордик. Натижада гектаридан 800 центнердан лавлаги йиғиштириб олинди.

1981 йилда бир гектар озуқа экинлари майдонидан 1483 озуқа бирлиги олиб, 100 гектар суғориладиган ер ҳисобига 114 центнер гўшт, 962 центнер сут, 10720 дона тухум етиштиришга эришдик.

1982 йил учун қабул қилинган мажбуриятларимиз янада салмоқли. Ҳар бир сигирдан 5150 килограмм сут соғиб олишимиз, бўрдоқиларнинг тирик вазнини 500 килограммга етказишимиз лозим. Бунинг учун конкрет тадбирлар белгилаб олдик. Уларни тўла амалга оширишимиз СССРнинг 60 йиллигига беш йилликнинг икки ярим йиллик планини бажариш имконини беради.

ПАРРАНДАЧИЛИКНИ ИНДУСТРЛАШ АФЗАЛЛИКЛАРИ

— ПАРРАНДАЧИЛИКНИ саноат негизига тўла кўчириш учун курашаётган коллективимиз яхши натижаларга эришмоқдалар,— деди Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXVI съезди» паррандачилик фабрикаси директори **А. М. Содиқов.**— Тухум етиштириш суръатларининг ўсиши 133,5 процент, гўшт эса 170 процентни ташкил этди.

Фабрикамизни бош план бўйича реконструкция қилиб, қувватини тухум берадиган 398 минг товуқ асрашга етказиш ишлари 80-йилда тугалланди. Самараси конкрет рақамларда акс этиб турибди. Масалан, 1980 йилда 1025 минг жўжа очирилиб боқилган бўлса, ўтган йили 1678 мингга етказилди. Тухум берадиган товуқлар эса 150 мингга кўпайди. Ҳар куни 75 минг ўрнига 196 минг дона тухум етиштириладиган бўлди.

Биз озуқани 2-нон маҳсулотлари комбинатидан оламиз. Таркиби тўлиқ бўлмаганини ҳисобга олиб, алоҳида озуқа цехи қурганмиз. Бу ерда озуқага турли витамин ва фойдали элементлар қўшиб, бойитилади. Бундан ташқари 200 гектар еримиздан сифатли витаминли ўт уни тайёрлаш учун фойдаланяпмиз. Жумладан, ўтган йили 465 тонна витаминли ўт уни тайёрладик.

Паррандачиликни интенсивлаш товуқларни тухум бериш қобилиятини оширишни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида товуқларни қай даражада озиқлантириш ва қандай шароитда боқишга боғлиқдир. Ишлаб чиқариш жараёнларини тўла механизациялаштириш ана шу масалани муваффақиятли ҳал этишнинг тўғри йўлларидан биридир. Биз ўзимизнинг устахоналаримизга эгамиз. Заررурат туғилиб қолганда техника воситаларининг айрим узеллари ва эҳтиёт қисмларини ўзимиз тайёрлай оламиз. Техника турларини капитал ремонт қиламиз.

Бу йил коллективимиз олдида янада улкан ва масъулиятли вазифалар турибди. Гўшт етиштириш 800 тоннага, тухум 61 миллион донага, беш йилликнинг охирига бориб эса гўшт 1000 тоннага, тухум 75 миллион донага етказилиши керак. Бунга эришиш учун ҳар бир бригада ва цехда конкрет тадбирлар ишлаб чиқилмоқда, улар сўзсиз амалга оширилади.

* * *

ШУНИНГДЕК, машғулотларда Ғалаба район ижроия комитети раисининг ўринбосари **Х. Р. Аҳмедов** ва Тошкент район ижроия комитети раисининг ўринбосари **Ғ. Х. Исломов** аҳолининг шахсий хўжалигида чорвачиликни ривожлантириш ҳамда улар эҳтиёжидан ортиқча гўшт, сут ва тухумни харид қилиш, Тошкент районидаги Навоий номли колхознинг сутчилик комплекси бош зоотехниги **Ю. Н. Торопов** ва Ғалаба районидаги Энгельс номли колхоз раиси **В. Ким** колхоз-совхозларнинг чорвачиликни юритиш маданияти ва самарадорлигини ошириш соҳасидаги иш тажрибалари, Бекобод районидаги Ленин номли колхоз партия комитетининг секретари **В. Хам** социалистик мусобақа таъсирчанлигини ошириш, чорвадорлар меҳнатини ташкил этиш ва ҳақ тўлашни такомиллаштириш ҳақида сўзлаб бердилар.

Машғулот қатнашчилари «Красний водопад» экспериментал базасининг чорвачилик ва озуқани қайта ишлайдиган объектлари билан ҳам танишдилар.

Суратларда: машғулот қатнашчилари «Красний водопад» экспериментал базаси чорвачилик комплекси объектлари билан танишмоқдалар.

А. Абалян фотолари.

КИНОҲУЖЖАТЧИЛАР ФЕСТИВАЛГА

«Тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» шиори остида ўтадиган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг халқаро VII Тошкент кинофестивалига Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси ҳам муносиб совғалар ҳозирлаган. Шу муносабат билан студия раҳбари, СССР ва Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари лауреати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Т. Нодиров қуйидагиларни гапириб берди.

— Йилдан йилга Тошкент кинофестивалларининг нуфузи ортиб бормоқда. Бу ҳақда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежнев VI Тошкент халқаро кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонларига йўллаган табригида алоҳида тўхталган эди. Тошкент фестивали орқали қардош республикалар, тараққийпарвар, ривожланаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари билан мустаҳкам ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишяпти. Бу ўринда СССР Давлат мукофоти лауреати Малик Қаюмовнинг афғон киносанъаткорлари билан ҳамкорликда яратган «Афғонистон. Инқилоб давом этади» фильмини яна бир бор эслатиб ўтмоқчи эдим. Бу фильм томошабинлар ўртасида шуҳрат қозониб, уларнинг олқишларига сазовор бўлди. Биз афғон дўстларимиз билан ижодий алоқаларимизни яна давом эттирмоқчимиз.

Ҳозиргача еттинчи фестивалнинг расмий ва ахборот программаларида намойиш этиш учун ўнга яқин фильмларни ажратиб қўйдик. Уларнинг мавзуси, ритми, йўналиши, мақсади ранг-барангдир. Булар орасида Даврон Салимовнинг «Оғриқ», «Ривоят», Шуҳрат Қурбонбоевнинг «Оила», Наримон Азимовнинг «Чанқоқнинг қондирилиши», Соли Давлатовнинг «Йўл бўсагасида», Хайрулла Жўраевнинг «Оби-ҳаёт», Ахрор Акбарҳўжаевнинг «Қўшигим Ўзбекистоним» фильмлари бор. Шунингдек, Малик Қаюмовнинг қўшни Афғонистон ҳақида яратган фильмлари ҳам фестивалда намойиш этилади. Ўйлаймизки, киноҳужжатчиларимизнинг бу ижодий ишлари фестиваль қатнашчиларининг олқишларига сазовор бўлади.

Э. ИСМАТУЛЛАЕВ.

— Ўзи жонли ўйинчоқ,
Қулоғида бор мунчоқ
Бу нимадир қизалоқ?
— Буми, оппоқ қўзичоқ!
В. Портнов фотоэтюди.

АДАБИЙ ҲАЁТ

АНЪАНАВИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

ЎЗБЕКИСТОН ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида ўзбек адабиётининг асосчиси, улуғ мутафаккир Алишер Навоий меросини ўрганишга бағишланган назбатдаги — XXVI анъанавий конференция бўлиб ўтди.

Конференцияни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги В. И. Зохидов очди. Шундан сўнг тўпланганлар эътиборига бир қатор докладлар ҳавола қилинди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси В. Абдуллаевнинг «Афғонистон Демократик республикасининг «Юлдуз» газетаси саҳифаларида Алишер Навоий», филология фанлари доктори А. Қаюмовнинг «Навоийнинг «Вақфия» асарида автобиографик моментлар», филология фанлари доктори Э. Шодиев (Ленинобод)нинг «Фахрий Ҳиротий»нинг «Радойиф-ул-ашъор»ида Алишер Навоий ғазаллари», филология фанлари доктори А. Ҳайитметовнинг «А. Навоийнинг лирика таҳлилидаги баъзи принциплар», филология фанлари кандидати С. Ғаниеванинг «Алишер Навоий «Хамса»сининг мукаммал нашрини тайёрлаш хусусиятлари», филология фанлари кандидати Е. Исҳоқовнинг «Навоий ғазалиётида бадиий тасвир типлари», Т. Қораевнинг «Навоийнинг топонимларидан фойдаланишдаги маҳорати» ва бошқа мавзудаги докладлари тингланди.

Шунингдек, конференцияда филология фанлари кандидатлари И. Ҳаққулов, Б. Вафоев, Р. Иброҳимова, Э. Умаров, Ҳ. Кудратуллаев ва Ж. Раҳимовлар ҳам ўз ахборотлари билан иштирок этдилар.

ШЕЪРИЯТИМИЗ ПАРВОЗИ

ИНСОН ҳаётини шеъриятсиз тасаввур этиш мушкул. Яхши шеърий асар кишида ҳаётга муҳаббат уйғотади, уни маънавий юксакликка кўтаради, эзгулик тантанаси учун курашишга даъват этади.

Ўзбек—совет шеърияти ўзининг ажойиб анъаналари билан халқимизни яратувчилик меҳнатига руҳлантириб келмоқда. Бу ҳол Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар ижодий уйида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи поэзия кенгашининг 1981 йил ижодий якунларига бағишланган ҳисобот йиғилишида ўз ифодасини топди.

Йиғилишни Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, Ҳамза мукофоти лауреати Мирмуҳсин кириш сўзи билан очди.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари — адабиётшунос Иброҳим Ғафуров ва шоир Омон Матжон ўз докладларида ўтган йили эълон қилинган шеърий асарларни таҳлил қилиб бердилар. Муҳокамада иштирок этган Ўзбекистон ССР халқ шоири Шукрулло, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Т. Тўла, ёзувчи Шуҳрат, республика Ленин комсомоли мукофотлари лауреатлари Э. Воҳидов, М. Али, филология фанлари доктори Н. Шукуров, танқидчи О. Абдуллаев, ёш шоир Х. Даврон, Н. Эргашевалар шеъриятимизда юз берган янгиликлар, унинг ютуқ ва камчиликлари, адабий танқидчилик борасидаги фикр ва мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

ЎЗБЕК ПАЗАНДАСИНИНГ ЯПОНИЯДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

«СЭНСЕЙ»-УСТОЗ ДЕГАНИ

Японияда бўлиб ўтган Совет Иттифоқи кунларида асосан ўзбекистонлик санъаткорлар, маданият ходимлари иштирок этишди. «Баҳор» ансамбли санъаткорларининг чиқишлари, ташкил этилган халқ амалий санъати, фото, китоб кўргазмалари японияликларда катта таассурот қолдирди.

Туристлар орасида ўрта яшар, миқдидан келган йигит алоҳида ажралиб турарди. У санъаткор ҳам, маданият ходими ҳам эмас. Оддий ошпаз. Лекин, маҳорати ҳамроҳларининкидан қолишмасди.

Тошкентдаги «Гулистон» ресторанининг тажрибали ошпази Турсун Ниёзов Японияннинг бир қатор ресторанларида ўз маҳоратини намойиш қилди. Қўлининг ширинлиги билан чет элликлар олқишига сазовор бўлди. Уз тажрибасини япониялик ҳамкасбларига ҳам ўргатди. Ресторанларнинг бирида маҳаллий ҳамкасблар билан ҳамкорликда палов дамлашди. Таом жуда хуштаъм ва сифатли тайёрланди. Шунда ҳамкасби Турсун Ниёзовга қараб «Сэнсей», сэнсей» деб қолди.

Сэнсей — устоз демоқчи. Турсун аканинг кўплаб шогирдлари сони яна биттага ортди. Энди у мустақил ўзбек таомини тайёрлайверади.

— Японлар гуручни жуда хуш кўришар экан,— дейди Т. Ниёзов.— Миллий таомларнинг аксарият кўпчилиги гуручдан тайёрланади. Улар орасида ўзимизнинг паловга ўхшашиб кетадиганлари ҳам бор. Шулардан бири қуйидагича тайёрланаркан: майдаланган гўшт ва пиёз сувда қайнатилади, сўнг гуруч солинади. Масалликларга ун аралаштирилиб, беш минут давомида димланади.

Албатта, бу хилдаги емишлардан сабзи билан қовурилган, зираворлар солинган, яна 25—30 минут давомида дам ейдиган палов ажралиб туради. Шунинг учун ҳам маҳаллий халқ ўзбек таомини зўр иштаҳа билан тановул қилди. Биз сафарга кетаётиб овқат тайёрлаш учун қозондан тортиб капкиргача ҳамма нарсани ўзимиз билан олган эдик.

Япония шаҳарларида фақатгина палов эмас, қовурма лағмон, лағмон, манти, чучвара, мампар, кабоб, мошхўрда каби таомлар ҳам шуҳрат қозонди. Чунки, чет элликлар бу хилдаги овқатларни биринчи бор кўришлари ва тановул қилишлари эди. Ресторан залларини пахта гулли ўзбек чинниси безаб турди. Дастурхонни «Тошкент» ва «Ноэли» салатлар янада кўркамлаштириб юборди.

Сафар муваффақиятли тугади. Ҳамроҳларнинг ҳар бири ўз маҳоратларини юксак даражада намойиш қила олдилар. Айни вақтда япон дўстларидан ўрганишди ҳам. Бундан ошпаз Турсун Ниёзов ҳам мустасно эмас. Сафар давомидаги бой таассуротларини Тошкентда ўз ҳамкасблари билан ўртоқлашди.

— Турсун Ниёзов коллективимиз фахри,— дейди ресторан директори Ш. Солиҳов.— Шунинг учун ҳам чет эл сафарига бориш учун ошпаз сўраш-ганида барча бир овоздан Турсун Ниёзовни тавсия этди. Чунки у хушмуомалалиги, чақ-қонлиги, сифатли таом тайёрлаши, қисқаси, касбига садоқати билан бошқаларга ўрнак. Ҳозир корхонамизда меҳнат қилаётган кўплаб ёшларнинг устози ҳамдир. Унинг ташаббуси билан ресторан менюсига бирмунча ўзгартишлар киритилди. «Гулистон дўлмаси», «Ноэли» салати шулар жумласидандир.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

КАСБГА МЕҲР УЙҒОТИБ

Ёшларни касб танлашга йўналтиришга оид материалларни атрофлича ўрганиш ва умумлаштириш билан махсус комиссия ва кабинетлар шуғулланмоқда. Ўзбекистон ССР Меҳнат Давлат комитети ҳузурида фаолият кўрсатаётган касб-ҳунар консультацияси кабинети ҳам бу борада қатор ибратли тадбирларни амалга оширмоқда.

Ёшлар ўртасида социалистик тадқиқотлар олиб бориш мақсадида тузилган комиссия кузатишлар ўтказиш учун Тошкентдаги Ҳамза районини танлади. Райондаги мактабларга, ҳунар-техника билим юртларига ҳамда турар-жойларга касб танлашга ўтгил-қизларнинг бўлган қизиқишига доир саволлар ёзилган анкеталар тарқатилди. Социологик тадқиқотлар вақтида социал-иқтисодий ҳамда ахлоқий психологик факторлар ҳам ўрганилади.

А. АЛИЕВ.

ҲОДИСА

ЎЙИНДАН ЎТ ЧИҚДИ

Ринатнинг ҳаёлига бу фикр қачон келди, ёдида йўқ-у, бироқ оғзидан чиқиши билан ўртоқлари қўллаб-қувватлашди.

— Жуда яхши, дарё бўйида бир кеча тунаб, балиқ овлаб келишнинг гаштига нима етсин. Бир йўла менинг бувамникига ҳам кирамиз, — деди В. Евченко.

Тайёргарлик узоққа бормади. 17—18 яшар беш йигит ва уч қиз эртаси куниёқ сафар халталари, асбоб-анжомларини ҳозирлаб, пойтахтдан Чиноз районининг «Октябрь 40 йиллиги» колхозига йўл олишди.

— Баракалла, азаматлар, мени жуда хурсанд қилдинглар, — деди ниҳоят шодланган Валерийнинг бувоси.

Топган-тутганини дастурхонга тўкиб, «болалар бемалол ўтирсин», дея ташқарига чиқди. Дўстлар даврасида кайфияти чоғ, бошламасига қиттак отиб олган Валерий эса секин ўтирганларга кўз қисиб, қўшни хона деворига осиқлиқ ов милтиғини кўтариб чиқди. «Ҳали иш беради, болалар ҳам бир қойил қолишсин...», — ўзича ўйлади у.

Бошланган «базми-жамшид» Чирчиқ дарёси қирғоғида авжига минди. Бўшаган шишаларни бир четга қўйиб: «мерганлик» қилишди. Кейин қамишзор оралаб навбатма-навбат овга киришдилар.

Милтиқнинг гумбурлашию, қичқирик овози эшитилганида қош қорайиб, улфатлар эндигина қайта давра қуришган эдилар. Сапчиб туриб воқеа юз берган жойга етиб боришганида Ринат Мурсиев ранги оппоқ оқариб нимадир деб гулдирар, Елена Нилова бўйнини чангаллаганича тиззалаб қолган эди...

Р. Мурсиев қурол билан муомала қилишни билмай ўйиндан ўт чиқарди. Эвазига қора курсига ўтириб қилмишига яраща жазоланди. Бироқ кишини бир нарса афсуслантиради. Бирталашиб томошага чиққан И. Храмов, Д. Неприяхин, Л. Броневой ва Л. Друзд-ковларнинг ота-оналари уларнинг оёқ олишидан кўз-қулоқ бўлиб, бебош «сафар»ларининг олдини олганларида ўн етти ёшли Елена Нилова ҳаётдан барвақт кўз юммаган бўлар эди.

А. БОБОБЕКОВ.

Спорт

● СУЗИШ:
КУМУШ МЕДАЛ МУБОРАК

Тошкентлик Лариса Белоконь брасс усулида сузиш бўйича жаҳоннинг энг кучли спортчиларидан бири эканлигини яна бир марта намойиш этди. У Франция пойтахти Париж шаҳрида бўлиб ўтган халқаро мусобақада Ватанимиз спорт шарафини ҳимоя қилди ва 200 метрга брасс усулида сузиб, 2 минут 32,54 секунд натижа билан маррага иккинчи бўлиб етиб келди. Бу халқаро классдаги спорт мастери, мамлакат чемпиони, Европа чемпионатининг кумуш совриндори Лариса Белоконнинг бу йилги мавсумдаги иккинчи йирик муваффақиятидир. У йил бошида Америка кубоги учун ўтказилган мусобақада Бутуниттифоқ рекордини янгилаган эди.

● ХОККЕЙ:
САФАРДАГИ ҒАЛАБА

Тошкентнинг «Бинокор» командаси навбатдаги тур ўйинини сафарда — Свердловск шаҳрида ўтказди. Хоккейчиларимиз маҳаллий «Автомобилист» командасини ҳар икки ўйинда ҳам мағлуб этдилар. Учрашувларда 6:3 ва 5:4 ҳисоби қайд этилди.

44 турдан сўнг мамлакат чемпионати биринчи лига командаларининг турнир жадвалидаги мавқелари қуйидагича:

КОМАНДАЛАР	У	Ш	О
«Сибирь» (Новосибирск)	44	308—126	74
«Салават Юлаев» (Уфа)	44	248—117	73
Урицкий спорт клуби (Қозон)	44	193—128	68
«Динамо» (Мн)	44	218—116	66
«Металлург» (Череповец)	42	220—145	56
«Бинокор»	44	177—142	52
«Торпедо» (Усть-Каменогорск)	44	205—159	50
«Молот» (Пермь)	44	204—172	46
«Автомобилист» (Св.)	44	190—197	43
«Рубин» (Тюмень)	44	155—203	39
«Дизелист» (Пенза)	44	166—215	31
СКА (Новосибирск)	44	131—186	24
«Локомотив» (Москва)	42	121—234	21
«Буран» (Воронеж)	44	141—270	21
СКА (Свердловск)	44	124—230	20
«Шахтёр» (Прокопьевск)	44	120—281	16

● САМБО:
ҒОЛИБЛАР САФИДА

Ереван шаҳрида ўсмирлар ўртасида самбо курраши бўйича СССР шахсий чемпионати ниҳоясига етди. Мусобақаларда турли кўнгилли спорт жамиятларидан 211 спортчи иштирок эди. Бу беллашувлар шу йил июль ойида Париж шаҳрида ўтказиладиган ўсмирлар ўртасида жаҳон биринчилиги олдидан катта кўрик вазифасини ўтади. Шунинг учун ҳам иштирокчилар бор маҳоратларини ишга солдилар.

Ҳурмат шоҳсупасига кўтарилганлар 11 иттифоқдош республика вакилларя эканлигининг ўзи ҳам мусобақанинг нақадар юксак савияда ўтганлигидан далолат беради. Ғолиблар орасида тошкентлик спортчилар ҳам бор. Жумладан, пахтакорчи Шавкат Шатров, динамочи Абубакир Жуманов, «Меҳнат» вакили Виктор Рябнинилар ўз вази категорияларида барча рақибларини мағлуб этишди.

Редактор Н. НАСИМОВ.

РАССОМ ҲАЖВ ДАФТАРИДАН

— Нознозхон, мен министерствога кетдим! Жуда зарур бўлсам, уйга қўнғироқ қилларсиз!

— Ҳой, тўхта деяпман. Сени меҳмонлар билан таништириб қўяман, холос...

— Айтинг-чи, мен учун ўзингизни ўтга ура олармидингиз?

— Сизни қаранг-у, ўзи кимга турмушга чиқаяпсиз: олимгами ёки ўт ўчирувчигами!!

А. ҲОЛИҚОВ чизган расмлар.

СОПОЛНИНГ ҲОСИЯТЛАРИ

БУ ҚИЗИҚ

ҲАРОРАТ БИЛАН БАҲСЛАШИБ

«Ҳарорат таъсирида кенгайиш коэффициенти нолга тенг» — Белоруссия технология институти олимлари томонидан олинган материал шундай характерланмоқда.

Аслида эса, табиатда турли ҳарорат вақтида ўз ҳажмини ўзгартирмасдан сақлаб турадиган нарса йўқ. Олий ўқув юртида яратилган керамика ҳам физика қонуниятлари билан баҳслашмайди. Янгиликнинг сири шундаки, у, қиздирилганда кенгайдиган мустаҳкам ойна ва ҳарорат ошган сари ҳажми қисқарадиган кимёвий бирикмадан иборат. Шу моддаларнинг аниқ бирикмасидан иборат бўлган қоришмадан ғайритабиий материал ҳосил қилинади. Бундай материалда кенгайиш ва қисқариш жараёнлари бир-бирини тўлдиради.

Олимлар яратган бу керамика иссиққа чидамли ва ҳароратнинг кескин ўзгаришига бардош беради. Бу маҳсулот анъанавий ўтга чидамли керамика ўрнини босади. Бу янгилик Горький автомобилсозларини ҳам қизиқтириб қолди, улар двигателнинг айрим деталларини анча узоққа чидайдиган керамика билан алмаштиришга қарор қилдилар.

МЕТАЛЛ ҚИРҚАДИ

«Уралмаш» заводи цехларида деталларга аниқ токарлик ишлови беришда бурилиш-қирқиш бурчаги бўлган йиғма керамика қирқгичларидан фойдалана бошладилар. Улар ёрдамида совуқ ва иссиқ прокат қиладиган станлар учун ўқлар, корпус деталлари, пресслочи асбоб-ускуналар учун станиналар ва узлуксиз қуйиш машиналари деталларига ишлов берилмоқда. Оддий қирқгич ўтмайдиган кўпгина тобланган пўлат деталларига ишлов беришда керамик қирқгичлар ишлатилмоқда.

Янги қирқгичлар деталь юзига тез ва тоза ишлов бериш имконини яратди. Фақатгина улардан ўтган йили фойдаланиш туфайли 3 минг норма-соат, 30 килограмм вольфрам-молибден қотишмаси ва 3,5 тонна металл прокати тежаб қолинди. Ҳозирги вақтда завод мутахассислари керамика қўшилган фрезалар — кесгичлар конструкциясини ишлаб чиқишяпти.

КЕРАМИК... МОТОР

Япониядаги «Киото сэрамиккю» фирмаси двигателининг асосий узеллари юксак чидамли керамикадан ишланган моторли жаҳонда биринчи автомобилни синаб кўришни ниҳоясига етказди. Цилиндрлар, поршенлар ва бошқа деталлари цельсий бўйича 1700—1800 даражагача бўлган иссиқликка ҳам бардош беради. Бу конструкторларга двигателни анъанавий совутиш системасидан ҳам воз кечиш имконини берди. Ўтказилган синовлар керамик двигатель металлдан ясалган двигателларга нисбатан 30 процент тежамлилигини ҳам кўрсатди.

Реклама ва эълонлар

ИККИ ХИЗМАТ — БИР ВАҚТДА!

«ХИМЧИСТКА» фабрикаси корхоналарида Сизнинг кийимларингизни зудлик билан тозалаб бериш билан бирга уни ремонт қилиб ҳам беришади: тугма тақиш, кийим петлисини яхшилаш, астарини алмаштириш, енгини ва шим почасини тўғрилаш ишларини бажаришади.

Кийимлар 7 кун ичида тозалаб берилади. Шунингдек, 24 соат, 48 соат, 72 соат ичида ҳам буюртмалар бажарилади.

Сизни «ХИМЧИСТКА» корхоналари қабул пунктларининг жойи ва иш куни тартиби билан таништирамиз

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА

2-микрорайон, кир ювиш фабрикаси — соат 10 дан 18.30 гача ишлайди, шанба куни соат 10 дан 15.00 гача. Танаффус 13 дан 14.30 гача. Дам олиш куни — якшанба.

Советская кўчаси, 25-уй — соат 10. дан 19.00 гача ишлайди, якшанба куни соат 10 дан 15.00 гача. Танаффус — 13 дан 14.00 гача. Дам олиш куни—душанба.

Троицк посёлкаси. Маиший хизмат уйи — соат 10 дан 19.00 гача ишлайди, якшанба куни соат 10 дан 14.00 гача ишлайди. Танаффус — 13 дан 14.00 гача. Дам олиш куни — душанба.

Високовольтний кўчаси, 74-уй. Маиший хизмат уйи — соат 10 дан 19.00 гача ишлайди. Якшанба куни соат 10 дан 14.00 гача. Танаффус соат 14 дан 15.00 гача. Дам олиш куни — сешанба.

3-микрорайон,. Маиший хизмат уйи — соат 10 дан 19.00 гача ишлайди, якшанба куни соат 10 дан 14.00 гача ишлайди. Танаффус 13 дан 14.00 гача. Дам олиш куни — сешанба.

Профсоюзная кўчаси, 26-уй — соат 10 дан 19.00 гача ишлайди, шанба куни соат 10 дан 15.00 гача. Танаффус —13 дан 14.00 гача. Дам олиш куни — якшанба.

Ленин кўчаси, 2«а»-уй — соат 10 дан 19.00 гача ишлайди, шанба куни соат 10 дан 14.00 гача. Танаффус — 13 дан 14.00 гача. Дам олиш куни — якшанба.

Фурқат кўчаси. Маиший хизмат уйи — соат 10 дан 19.00 гача ишлайди, шанба куни соат 10 дан 15.00 гача. Танаффус — 13 дан 15.00 гача. Дам олиш куни — душанба.

Юбилейний кўчаси, 188-уй — соат 10 дан 19.00 гача ишлайди, шанба куни соат 10 дан 15.00 гача. Танаффус — 13 дан 14.00 гача. Дам олиш куни — якшанба.

Юбилейний кўчаси (10-автобаза ёнида) — соат 10 дан 15.00 гача ишлайди, шанба куни соат 10 дан 15.00 гача. Танаффус — 14 дан 16.00 гача.

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДА

«ХИМЧИСТКА» фабрикаси — соат 9 дан 18.00 гача ишлайди. Танаффус — 13 дан 14.00 гача. Дам олиш куни—якшанба.

Ленин кўчаси — соат 8 дан 20.00 гача ишлайди, дам олиш кунисиз. Танаффус соат 13 дан 14.00 гача.

Олтинтопган посёлкаси. Маиший хизмат уйи — соат 9 дан 18.00 гача ишлайди. Танаффус — 13 дан 14.00 гача. Дам олиш куни — душанба.

Красногорск шаҳри. Маиший хизмат уйи — соат 9 дан 18.00 гача. Танаффус — 13 дан 14.00 гача. Дам олиш куни душанба.

«ВЛКСМ 50 йиллиги» совхози — соат 9 дан 18.00 гача. Танаффус — 13 дан 14.00 гача. Дам олиш куни—душанба.

АНГРЕН ШАҲРИДА

Навоий кўчаси — соат 8 дан 20.00 гача. ишлайди. Танаффус — 14 дан 15.00 гача. Дам олиш кунисиз ишлайди.

6-4-квартали, 131-уй — соат 10 дан 19.00 гача ишлайди. Танаффус — соат 14 дан 15.00 гача. Дам олиш куни—якшанба, душанба.

5-1«б»-квартали, Жамоатчилик маркази — соат 10 дан 19.00 гача ишлайди. Танаффус — 14 дан 15.00 гача. Дам олиш куни — якшанба, душанба.

Навоий кўчаси. Маиший хизмат уйи — соат 8 дан 17.00 гача ишлайди. Танаффус — 12 дан 13.00 гача. Дам олиш куни — якшанба, душанба.

2-Янгиобод шаҳри. — Маиший хизмат уйи—соат 10 дан 19.00 гача, дам олиш кунисиз ишлайди. Танаффус—14 дан 15.00 — гача.

ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИДА

Чехов кўчаси, шошилинч тозалаш фабрикаси — соат 8 дан 20.00 гача ишлайди. дам олиш кунисиз ишлайди.

Самарқанд кўчаси, кир ювиш фабрикаси — соат 9 дан 18.00 гача ишлайди. Танаффус — 13 дан 14.00 гача. Дам олиш куни якшанба, душанба.

«ТОЗАЛИК»—кийимларни химиявий тозалайдиган ва кир ювадиган ихтисослаштирилган бирлашмаси.

Телевидение

Москва-I. 9.00 — Время. 9.40 — Горничилар, қаердасиз! 10.10 — Одам қиёфасини ўзгартиради. Бадиий фильм. 3-серия. 11.20 — Концерт. 11.50 — Ишлаб чиқариш гимнастикаси. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.25 — Шахмат мактаби. 16.55 — Биатлон бўйича жаҳон чемпионати. 18.05 — Ёзувчи Бирюков. 18.35 — Миллионлар ленинча университети. 19.05 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фильм-концерт. 19.50 — Фан оламида. 20.20 — Одам қиёфасини ўзгартиради. Бадиий фильм. 4-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Олам кинокамера кўзгусида. 23.10 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 13.05 — Оналар мактаби. 10.05 ва 12.05 — Испан тили. 10.35 ва 11.40 — Физика. 11.00 —Илмий-оммабоп фильм. 11.10 — Тарих. 12.35 ва 13.35— В. И. Ленин Л. Толстой ҳақида. 14.05 —Илмий-оммабоп фильм. 14.25 — В. Розов драматургияси. 15.10 — Петрс. Бадиий фильм. 16.50 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Концерт. 19.00 — Сузиш бўйича СССР чемпионати. 19.30 — Киносаёҳатчилар клуби. 20.30 — Ҳайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Ҳозирги замон бешкураши. 21.30 —Время. 22.05—Борсқ узра булутлар. Бадиий фильм. 23.20 — Баскетбол — «Спартак» (Л) — «Спартак» (Мобл).

ТОШКЕНТ-1. 11.30 — Фонарик. 12.05 —Медея. Телетеатр. 18.05 — Мультфильмлар. 18.40 — Ёшлик. 19.10 — Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш — озиқ-овқат программасининг асоси. 19.30 — Ахборот. 19.40 — Илҳом. 20.30 — Ахборот. 20.50 — У. Саиджонов куйлайди. 21.30 — Время. 22.05 — Ниқобсиз сионизм. 23.00 — Бугун оламда нима гап? 23.15 — Фильм-манзаралар.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Телефильмлар 18.50 — Назарий механика. 19.50 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Кинопрограмма. 21.00 — Отахонларим мактаби. Адабий театр. 21.30 — Москва-II.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/II да **Кузнинг биринчи куни**, 12/II да **Қизил яйловдаги кўк тулпор**, 13/II да **Шошма, куёш.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11/II да **Ёшликда берган кўнгил**, 12/II да **Ишонмасанг, ўламан**, 13/II да **Хотиннимнинг эри.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/II да **Гуноҳкор авлиё**, 12/II да **Мукофот**, 13/II да **Отасининг қизи.**

Бўка район «Пахтакорлар овози» газетаси редакцияси коллективи ва журналистлар союзи бошланғич ташкилоти газетанинг собиқ бўлим мудири, СССР Журналистлар союзининг аъзоси **Нодирхон АБДУЛЛАЕВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этадилар.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337915, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048; 325354 партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги— 325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 01778.. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. А. 1541. 14